ISSN: 2181-1040
DOI: 10.26739/2181-1040
tadqiqot.uz/renaissance

# JCAR

## JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

This issue is dedicated to the 580th anniversary of the birth of Ali-Shir Nava'i.

SPECIAL ISSUE 1 | 2021

ISSN 2181-1040

DOI JOURNAL 10.26739/2181-1040

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ

МАХСУС СОН 1

# ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

# JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

SPECIAL ISSUE 1

Ушбу сон Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланади

Выпуск посвящен 580-летию со дня рождения Алишера Навои

This issue is dedicated to the 580th anniversary of the birth of Ali-Shir Nava'i

ТАШКЕНТ-2021

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕСАНСИ ЖУРНАЛИ

№SI-1 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-1040-2021-SI-1



**Бош муҳаррир:**

МАДАЕВА ШАҲНОЗА ОМОНУЛЛАЕВНА
фалсафа фанлари доктори, профессор, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир:**

ЭРКИНОВ АФТОНДИЛ САДИРХАНОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги бўлими бош мутахассиси, филология фанлари доктори

Бош муҳаррир ўринбосари:

ЮСУПОВА ДИЛДОРА ДИЛШАТОВНА
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети доценти в.б.

Бош муҳаррир ўринбосари:

ХОЖИЕВ ТУНИС НУРКОСИМОВИЧ
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕСАНСИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ

ХАКИМОВ АКБАР АБДУЛЛАЕВИЧ
Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, Саньатшунослик фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

МАРИАННА КАМП РУТЦ
Индиана университети ЕвроОсиё тадқиқотлари маркази профессори, тарих фанлари доктори (АҚШ)

ЖЎРАЕВ НАРЗУЛЛА ҚОСИМОВИЧ
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллар университети профессори, сиёсий фанлар доктори (Ўзбекистон)

МАХМУДОВА ГУЛИ ТИЛАБОВНА
фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги "Фалсафа" илмий марказ раҳбари (Ўзбекистон)

ИСЛОМОВ ЗОҲИДЖОН МАҲМУДОВИЧ
Ўзбекистон Халқаро ислом академияси илмий ва инновация ишлар бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

КЛЭР РООСИЕН
Йел университети Славян тиллари ва адабиётлари кафедраси PhD доктори (АҚШ)

АНТОНИО АЛОНСО МАРКОС
Сан Пабло номидаги CEU университети профессори (Испания)

ШИРИНОВА РАИМА ҲАКИМОВНА
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети халқаро ишлар бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

КАРИМОВ ЭЛЁР ЭРИКОВИЧ
Хофстра университети профессори, тарих фанлари доктори (АҚШ)

ГАБИТОВ ТУРСУН ХАФИЗОВИЧ
Ал Форобий номидаги Қозоғистон Миллий университети профессори, фалсафа фанлари доктори (Қозоғистон)

ХОЛМЎМИНОВ ЖАЪФАР МУХАММАДИЕВИЧ
Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти, фалсафа фанлари доктори (Ўзбекистон Республикаси)

МИРЗАХМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ
Наманган муҳандислик-технология институти доценти, фалсафа фанлари доктори (Ўзбекистон)

МАҲКАМОВА НОДИРА РАҲМОНОВНА
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети профессори, тарих фанлари доктори (Ўзбекистон)

САФАРОВА НИГОРА ОЛИМОВНА
Навоий давлат педагогика институти Ижтимоий фанлар кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори (Ўзбекистон)

ХИДИРОВА НАРГИЗА ЎРИНОВНА
ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди (Ўзбекистон)

КАРИМОВ РАХМАТ РАХМАНОВИЧ
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети проф.в.б., фалсафа фанлари номзоди (Ўзбекистон)

КАЛОНОВ КОМИЛ КУЛАХМАТОВИЧ
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, социология фанлари номзоди (Ўзбекистон)

ТОШОВ ХУРШИД ИЛХОМОВИЧ
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, PhD (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ АКМАЛ ШАРОФОВИЧ
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти (Ўзбекистон)

БЕКБАЕВ РАУФ РУСТАМОВИЧ
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси (Ўзбекистон)

Дизайн–сахифаловчи: Хуршид Мирзахмедов



**КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ**
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

# ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

№SI-1 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-1040-2021-SI-1



Главный редактор:

МАДАЕВА ШАХНОЗА ОМОНУЛЛАЕВНА
доктор философских наук, профессор,
Национального университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека

Главный редактор:

ЭРКИНОВ АФТОНДИЛ САДИРХАНОВИЧ
главный специалист Департамента агентства
культурного наследия Министерства туризма и спорта
Республики Узбекистан, доктор филологических наук

Заместитель главного редактора:

ЮСУПОВА ДИЛЬДОРА ДИЛЬШАТОВНА
доктор философии (PhD), по философским наукам, и.о.
доцента Университета Общественной безопасности
Республики Узбекистан

Заместитель главного редактора:

ХОДЖИЕВ ТУНИС НУРКОСИМОВИЧ
доктор философских наук (PhD), Национальный
университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

## ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКОГО И СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКОГО ЖУРНАЛА РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

ХАКИМОВ АКБАР АБДУЛЛАЕВИЧ
Академия наук Республики Узбекистан, академик
Академии художеств Узбекистана, доктор
искусствоведения, профессор (Узбекистан)

МАРИАННА КАМП РУТЦ
доктор исторических наук, профессор
Центра евразийских исследований
Университета Индианы (США)

ДЖУРАЕВ НАРЗУЛЛА КАСЫМОВИЧ
профессор Узбекского государственного
университета мировых языков, доктор
политологических наук (Узбекистан)

МАХМУДОВА ГУЛИ ТИЛАБОВНА
доктор философских наук, профессор,
Руководитель исследовательского центра
«Философия» Национального университета
Узбекистана (Узбекистан)

ИСЛАМОВ ЗОХИДЖОН МАХМУДОВИЧ
Проректор по науке и инновациям
Международной исламской академии Узбекистана,
доктор филологических наук, профессор
(Узбекистан)

КЛЭР РООСИЕН
доктор философии, кафедра славянских
языков и литературы, Йельский университет (США)

АНТОНИО АЛОНСО МАРКОС
профессор Университета CEU
имени Сан-Пабло (Испания)

ШИРИНОВА РАИМА ХАКИМОВНА
Проректор по международной деятельности
Национального университета Узбекистана имени
Мирзо Улугбека, доктор филологических наук,
профессор (Узбекистан)

КАРИМОВ ЭЛЬЁР ЭРИКОВИЧ
профессор Университета Хофстра,
доктор исторических наук (США)

ГАБИТОВ ТУРСУН ХАФИЗОВИЧ
доктор философских наук, профессор
Национальный университет Казахстана
им. Аль-Фароби (Казахстан)

ХОЛМУМИНОВ ЖАЪФАР МУХАММАДИЕВИЧ
доцент Ташкентского государственного университета
востоковедения, доктор философских наук (Узбекистан)

МИРЗАХМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ
Доцент Наманганского инженерно-технологического
института, доктор философских наук (Узбекистан)

МАХКАМОВА НАДИРА РАХМАНОВНА
профессор Ташкентского университета информационных
технологий имени Мухаммада аль-Хорезми, доктор
исторических наук (Узбекистан)

САФАРОВА НИГОРА ОЛИМОВНА
Заведующая кафедрой социальных наук, доктор
философских наук, Навоийский государственный
педагогический институт (Узбекистан)

ХИДИРОВА НАРГИЗА УРИНОВНА
Старший научный сотрудник Института истории
Академии наук Республики Узбекистан, кандидат
исторических наук (Узбекистан)

КАРИМОВ РАХМАТ РАХМАНОВИЧ
Доцент Национального университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека,
кандидат философских наук (Узбекистан)

КАЛОНОВ КОМИЛ КУЛАХМАТОВИЧ
Профессор Национального университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека, кандидат
социологических наук (Узбекистан)

ТОШОВ ХУРШИД ИЛЬХОМОВИЧ
Доцент Национального университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека, PhD (Узбекистан)

ШУКУРОВ АКМАЛ ШАРОФОВИЧ
Докторант Национального университета
Узбекистана (Узбекистан)

БЕКБАЕВ РАУФ РУСТАМОВИЧ
преподаватель Национального университета
Узбекистана (Узбекистан)

Дизайн-верстка: Хуршид Мирзахмедов



**КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ**
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

# JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

№SI-1 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-1040-2021-SI-1



Chief Editor:

MADAEVA SHAKHNOZA OMONULLAEVNA
Doctor of Philosophy, Professor,
the National University of Uzbekistan named
after Mirzo Ulugbek

Chief Editor:

ERKINOV AFTONDIL SADIRXANOVICH
Chief Specialist of the Department of cultural heritage
agency under the Ministry of Tourism and sports of the
Republic of Uzbekistan, doctor of philological Sciences.

Deputy Chief Editor:

YUSUPOVA DILDORA DILSHATOVNA
Doctor of Philosophy (PhD), in Philosophical Sciences,
Associate Professor of the University of Public Security
of the Republic of Uzbekistan

Deputy Chief Editor:

KHODZHIEV TUNIS NURKOSIMOVICH
Doctor of Philosophy (PhD), National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

## MEMBERS OF THE EDITORIAL BOARD OF THE SCIENTIFIC-THEORETICAL AND SOCIO-PHILOSOPHICAL JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

KHAKIMOV AKBAR ABDULLAEVICH
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan,
Academician of the Academy of Arts of Uzbekistan,
Doctor of Arts, Professor (Uzbekistan)

MARIANNE KAMP RUTZ
Doctor of History, Professor at the Center for
Eurasian Studies, Indiana University (USA)

DZHURAEV NARZULLA KASIMOVICH
Professor of the Uzbek State University of World
Languages, Doctor of Political Science (Uzbekistan)

MAKHMUDOVA GULI TILABOVNA
Doctor of Philosophy, Professor, Head of the
Research Center "Philosophy" of the National
University of Uzbekistan (Uzbekistan)

ISLAMOV ZOHIJON MAKHMUDOVICH
Vice-rector for science and innovations of the
International Islamic Academy of Uzbekistan, doctor
of philological sciences, professor. (Uzbekistan)

CLAIRE ROOSIEN
Ph.D., Department of Slavic Languages
and Literature, Yale University (USA)

ANTONIO ALONSO MARCOS
Professor at the University of CEU
named after San Pablo (Spain)

SHIRINOVA RAIMA KHAKIMOVNA
Vice-Rector for International Affairs of the National
University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Doctor of Philology, Professor (Republic of Uzbekistan)

KARIMOV ELYOR ERIKOVICH
Professor at Hofstra University, doctor
of historical sciences (USA)

GABITOV TURSUN KHAFIZOVICH
Doctor of Philosophy, Professor of
National University of Kazakhstan named
after Al-Farobi (Kazakhstan)

IBODULLAEVA SHOIRA
Master student of the International Islamic
Academy of Uzbekistan (Uzbekistan)

KHOLMUMINOV JAFAR MUHAMMADIEVICH
Associate Professor of the Tashkent State
University of Oriental Studies, Doctor of
Philosophical Sciences (Uzbekistan)

MIRZAKHMEDOV ABDIRASHID MAMASIDIKOVICH
Associate professor of Namangan Institute of engineering
and technology, Doctor of Science (Uzbekistan)

MAKHKAMOVA NADIRA RAKHMANOVNA
Professor of the Tashkent University of Informational
Technologies named after Muhammad al-Khwarizmi,
Doctor of Historical Sciences (Uzbekistan)

SAFAROVA NIGORA OLIMOVNA
Head of the Department of Social Sciences,
Doctor of Philosophy, Navoi State Pedagogical
Institute (Uzbekistan)

KHIDIROVA NARGIZA URINOVNA
Senior Researcher at the Institute of History of
the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan,
Candidate of Historical Sciences (Uzbekistan).

KARIMOV RAKHMAT RAKHMANOVICH
Associate Professor of the National
University of Uzbekistan named
after Mirzo Ulugbek, Candidate of
Philosophy (Uzbekistan)

KALONOV KOMIL KULAKHMATOVICH
Professor of the National University of
Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
candidate of sociological sciences (Uzbekistan).

TOSHOV KHURSHID ILKHOMOVICH
Associate Professor of the National
University of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek, PhD (Uzbekistan)

SHUKUROV AKMAL SHAROFOVICH
Doctoral student of the National
University of Uzbekistan (Uzbekistan)

BEKBAEV RAUF RUSTAMOVICH
Lecturer at the National University
Uzbekistan (Uzbekistan)



Design-pagemaker: Khurshid Mirzakhmedov

**КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ**
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

21 асргача Навоий ижодининг Ғарбда ўрганилиши тарихидан
Из истории изучения творчества Навои на Западе до XXI века
From the history of the study of Nava'i's creativity in the West to the 21st century

**1. Франсуа Белен**
МИР АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА ОИД ҚАЙДЛАР…….7

21 асрда Навоий мероси талқини
Интерпретация наследия Навои в 21 веке
Interpretation of Ali-Shir Nava'i's heritage in the 21st century

**2. Александр Куделин**
АЛИШЕР НАВОИЙ – ЎЗБЕК АДАБИЁТИ АСОСЧИСИ (НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 575 ЙИЛЛИГИГА)……...33

**3. Марк Тоутант**
ТАҚЛИД ОБРАЗИ ШАРҚШУНОСЛИК КЎЗГУСИДА……..42

**4. Бенедек Пери**
МИР АЛИШЕР НАВАИ В ВЕНГРИИ…….…..60

Ўзбекистон навоийшунослиги тадқиқотларидан лавҳалар
Выдержки из исследований по навоиведению в Узбекистане
Excerpts from the Nava'i Studies in Uzbekistan

**5. Алибек Рустамов**
НАВОИЙНИНГ МАВЛИДИ ҲАҚИДА……66

**6. Афтандил Эркинов**
УНИКАЛЬНАЯ РУКОПИСЬ (876/1471 г.) ПОЭЗИИ ‘АЛИ ШИРА НАВАИ ИЗ СРЕДЫ АК-КОЮНЛУ……...75

**7. Шаҳноза Мадаева**
ЧИҒАТОЙ ВА ЯНГИ ЧИҒАТОЙ АДАБИЁТИ ДАВРИ ЎЗБЕК ТИЛИ ИДЕНТИКЛИГИНИНГ ВОРИСИЙЛИК ЖИҲАТЛАРИ……92

**8. Тожи Норов**
АЛИШЕР НАВОИЙ ОНТОЛОГИК ФАЛСАФАСИДА КОИНОТ, МАКОН ВА ВАҚТ МУАММОСИ……...103

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ
JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

**Франсуа Белен** [1-8]
Франциянинг Константинополдаги
элчихонаси таржимон-котиби

## МИР АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА ОИД ҚАЙДЛАР [9]

**For citation:** Francois Belin. Notes On the Life and Creativity of Mir Ali-Shir Nava'i. Journal of Central Asian Renaissance. 2021, Special Issue 1, pp.7-32

**http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5701261**

**АННОТАЦИЯ**

Франсуа Альфонс Белен (1817–1877) франциялик олим бўлиб, Франциянинг Усмонлилар салтанатидаги консуллигида турли лавозимларда ишлаган. Араб, форс ва туркий тилларни ўрганган. Усмонлилар тарихи ҳамда Шарқ қонунчилигига оид тадқиқотларини нашр қилган. Ф.Беленнинг мазкур мақоласи 1861 йили "Journal Asiatique" (Журнал Асиатик – Осиё журнали)да нашр этилган. Мақолада Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ёритилган бўлиб, у Ғарб тилидаги Навоийга бағишланган ҳажман катта дастлабки тадқиқот ҳисобланиши мумкин. Мақолани ёзишда Ф.Белен Темурийлар муҳити тарихини ёритувчи бирламчи тарихий манбалар ва Навоий асарлари асл матнига суяниб хулоса чиқарган. XIX аср ўрталарида, ҳали Алишер Навоий ижоди бўйича маълумотлар кам бўлган бир шароитда Белен мақоласининг вужудга келиши катта аҳамиятга эга бўлган. Қуйида Беленнинг Навоийга бағишланган мазкур биринчи мақоласи бир қисми таржимаси келтирилади. Мақола француз тилидан ўзбек тилига Улуғбек Мансуров томонидан таржима қилинди. А.Эркинов томонидан таҳрир этилди ва зарур ўринлари шарҳланди. Француа Беленнинг ушбу мақоласи Марказий Осиё Ренессанси журналининг Алишер Навоийнинг 580 йиллиги юбилейига бағишланган махсус сонида "21 асргача Навоий ижодининг Ғарбда ўрганилиши тарихидан" рукни остида чоп этилмоқда.

---

**Франсуа Белен**
Секретарь-переводчик
посольства Франции в Константинополе

## ЗАМЕТКИ ПО ЖИЗНИ И ТВОРЧЕСТВУ МИР АЛИШЕРА НАВОИ

**АННОТАЦИЯ**

Франсуа Альфонс Белен (1817-1877) – французский ученый, работал на различных должностях в консульстве Франции в Османской империи. Изучил арабский, персидский и турецкий языки. Издал свои работы по истории Османов и восточного законодательства. Настоящая статья Франсуа Белена 1861 году была опубликована в журнале "Journal Asiatique" (Журнал Асиатик – Азиатский журнал). В данной статье описана жизнь и творчество Алишера

Навои, и она может считаться одной из первых объемных исследований на западном языке, посвященных Навои. При написании статьи Ф.Белен делал заключение на основе первоисточников, освещающих историю периода Темуридов и подлинных работах Навои. Появление статьи Белена имело большое значение в середине XIX века, когда было мало сведений по творчеству Алишера Навои. Вниманию читателей представляется часть указанной статьи Белена. Статью с французского на узбекский язык перевел Улугбек Мансуров. Редакция статьи и некоторые комментарии осуществлены А.Эркиновым. публикуется в специальном выпуске Журнала Ренессанса Центральной Азии, посвященного 580-летнему юбилею Алишера Навои в разделе «Из истории изучения творчества Навои на Западе до XXI века».

---

**Francois Belin**
Secretary-Translator
of the French Embassy in Constantinople

## NOTES ON THE LIFE AND CREATIVITY OF MIR ALI-SHIR NAVA'I

**ABSTRACT**

Francois Alphonse Belin (1817-1877) was a French scientist who worked in various positions at the French Consulate in the Ottoman Empire. He studied Arabic, Persian and Turkish. He published his works on the study of the history of the Ottomans and Eastern legislation. This article by Francois Belin was published in 1861 in the "Journal Asiatique" (Asian Journal). This article describes the life and work of Ali-Shir Nava'i, and it can be considered one of the first voluminous studies in the Western language devoted to Nava'i. F.Belin, when writing the article, made a conclusion based on primary sources covering the history of the Timurid period and the authentic works of Nava'i. The appearance of Belin's article was of great importance in the middle of the 19th century, when there was little information on the work of Ali-Shir Nava'i. A part of this article by Belin is presented to the attention of readers. The article was translated from French into Uzbek by Ulugbek Mansurov. The article was edited and some comments were made by A.Erkinov. This article by Francois Belin is published in a special issue of the Journal of Central Asian Renaissance dedicated to the 580th anniversary of Ali-Shir Nava'i in the section "From the history of the study of Nava'i's creativity in the West to the 21st century".

---

**Алишер Навоий ҳаёти ва асарлари**

Мисрга саёҳатим мобайнида "Куллиёти Навоий" (Алишер асарлари) қўлёзмасини сотиб олдим. Қўлёзма Машҳадда ҳижрий 1059 (милодий 1649) йилда ажойиб хуснихат билан битилган бўлиб, Император кутубхонасида сақланаётган қўлёзмадай [10] тўлиқ эмас эди. Менинг қўлёзмамда қуйидаги асарларгина жой олган:

"Мажолис ун-нафоис" (Шоирлар йиғини), 70 варақли рисола;

"Мунтахабот хамсат ул-мутаҳаййирин", Жомий хотираларига бағишланган асардан танланган парчалар, 19 варақ;

"Дебочаи тоза Навоий", Навоийнинг туркий [11] девонларига янги муқаддима, сўнгги икки девондан парчалар билан;

"Ашъори мутафарриқа", тўртта девонидан, "Сабъаи сайёра", "Фарҳод ва Ширин", "Садди Искандарий" ва бошқа асарларидан парчалар.

Ва ниҳоят "Девони Ҳусайний". "Мажолис ун-нафоис"нинг 8-китобида [12] Алишер ундан кўплаб мисоллар келтирган.

Алишернинг кўпчилик асарлари ёзилган тилни бир пайтлари ўрганганман. Шундан буён бўш вақтимнинг бир қисмини бу шоир асарларини, хусусан, "Мажолис ун-нафоис" ва "Хамсат ул-мутаҳаййирин"ларни таржима қилишга бағишладим. « Journal asiatique » муштарийларига ушбу асарлардан қуйидаги парчаларни асл нусхада ва таржимада тақдим қилиш билан кифояланаман: "Мажолис ун-нафоис" муқаддимаси ва еттинчи китоби (Император

кутубхонасида сақланаётган қўлёзма асосида), “Хамсат ул-мутаҳаййирин” (ўзимдаги қўлёзма асосида). Ушбу таржималардан олдин муаллиф тўғрисида батафсил тўхталиб ўтаман. Маълумотлар Сильвестр де Саси мақоласидан [13], “Бобурнома”дан [14], “Туҳфаи Сомий”, “Тазкират ул-хаттотин” [15], “Нухбат ут-таворих ва-л-ахбор” [16], Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” [17] асаридан, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” [18] асаридан ҳамда Алишернинг ўз асарларидан олинди.

Алишер “Мажолис ун-нафоис”ни ўзи шу асарда зикр қилганидек, ҳижрий 896 (милодий 1490-1491) йилда, яъни ўлимидан 10 йилча олдин ёзади. Асарни 9 қисмга бўлади, муқаддима ва 8 та китоб. Қуйида уларнинг рўйхати келтирилади [19]:

Биринчи китоб [20, 3а]: Жамоати маходим ва азизлар зикридаким, бу фақир аларнинг шариф замонининг охирида эрдим ва мулозиматлари шарафига мушарраф бўлмадим [21].

Иккинчи китоб [20, 11б]: Ул жамоати азизлар зикридаким, фақир алардин баъзининг мулозаматиға кичикликда етибмен ва баъзининг суҳбатига йигитликда мушарраф бўлибмен, алар ситта ва тисъина ва самона миа тарихидаким, бу мухтасар битиладур, бу фано домгоҳидин бақо оромгоҳига борибдурлар.

Учинчи китоб [20, 27б]: Алар зикридаким, ҳоло замон саҳоифида моиний абкори аларнинг дақиқ табълари ҳуллабофлиғидин назм либоси киядур, назм либоси аларнинг амийк зиҳнлари мўй шикофлиғидин санъат ва салосат нақш ва нигоре топадурким, баъзининг мулозаматиға мушарраф ва сарбаланд ва баъзининг мусоҳабатидин хушнуд ва баҳраманддурбиз.

Тўртинчи китоб [20, 40б]: Аср фузалоси зикридаким, шеърга машҳур ва мубоҳий эмастулар, аммо аллардин назм тарийқида кўп латойиф зоҳир бўлур ва кўп заройиф бош урар.

Бешинчи китоб [20, 53а]: Хуросоннинг ва баъзи ернинг мирзодалари ва сойир озодалари зикридаким, табъ саломати ва зиҳи истиқомати аларға боиси назм бўлур, аммо мудовамат қилмаслар.

Олтинчи китоб [20, 55б]: Хуросондин ўзга мамолик фузало ва зурафоси зикридаким, бу асрда ҳоло бордурлар ва ҳар қайси ўз хўрди ҳолиға кўра ширингуфтор ва соҳибдевон ва ашъордурлар.

Еттинчи китоб [20, 60б]: Салотини изом ва авлоди вожуб ул-эҳтиромлари зикридаким, баъзи яхши маҳалларда хуб байт ўқубтурларким, филҳақиқат ўзлари айтқондек хубдур ва баъзи назм латойифига машғул бўлубтурларким, ул дағи матлуб ва марғубдур.

Саккизинчи китоб [20, 64а]: Султон соҳибқироннинг [22] латиф табъи натойижининг зеболари, ҳусн ва жамоли зикрида ва шариф зеҳни хасоисининг раънолари ганж ва далоли шарҳидаким, ҳар қайси замон сафҳаси бўстонида рангинлиғ ва равонлиғдин гулъузоредур сарвқад ва ҳар бириси даврон арсаси гулистонида равонлиғ ва рангликдин сарви озодедур, улхад.

Кўриниб турибдики, Алишер ушбу рисолада Форс дунёси ва унга қўшни мамлакатларда ҳижрий IX аср охири ва X аср бошларидаги адабий жараёнларни ёритиб беришни ўз олдига мақсад қилган. Қолаверса, бу даврни чиғатой адабиётининг энг гуллаган даври деб ҳисобласа ҳам бўлади [23]. Афсусланарли томони шундаки, бу тазкира жуда қисқа ҳамда ғарбликларнинг одатларидан фарқли ўлароқ, танқидий фикрларнинг йўқлигидадир.

Ҳижрий IX аср охири ва X аср бошларида форс дунёсининг энг машҳур ёзувчиларидан бири Низомиддин Мир Алишер Навоий Хуросон, Балх, Табаристон, Қандаҳор, Сейистон, Мозандарон узра ҳукмдорлик қилган темурийзода Султон Ҳусайн ибн Мансур ибн Бойқаро даврида яшаб ижод қилган [24]. Ўзи ҳам атоқли шоир бўлган ушбу султон Эрон ва Туроннинг динда ёки адабиётда ном чиқарган олим, шоир, санъаткорларини ўз саройида тўплаган эди. Қолаверса, бу давр шуниси билан диққатга сазоворки, адабиётга бўлган муносабат Шарқ тарихида энг юқори босқичга чиққан эди. Хуросон султонлари бу борада гўзал намуна кўрсатишарди ҳамда ўзлари ҳам адабиёт ва санъатга иштиёқ қўйишганди, олимларни қўллаб-қувватлашарди. Алишер, Жомий, Абдураззоқ, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ ва бошқа кўплаб олиму фозиллар етишиб чиққан бу аср асосли равишда Шарқ адабиёти тарихида фавқулодда бир давр деб аталиши лозим.

Алишер ҳижрий 844 йилда (милодий 1440-1441) Ҳирийда [25] дунёга келган. Унинг оиласи темурий султонларга, хусусан, Темур ўғли Умаршайх мирзо авлодларига хизмат қилган. Отаси Кичкина Баҳодир [26] Темурнинг чевараси Султон Абусаид (Мироншоҳ авлоди) саройининг кўзга кўринган вакилларидан бўлган [27]. Давлатшоҳнинг гувоҳлик беришича [28], Кичкина Баҳодир Темурнинг яна бир чевараси, Хуросонда ҳукм сурган Султон Абулқосим Бобур (Шоҳрух авлоди) саройида ҳам муҳим лавозимлардан бирини эгаллаган. Алишер онасининг бобоси Мир Бусаид Ченг Султон Ҳусайннинг бобоси Бойқаро Мирзо саройида асосий амирлардан бири бўлган. Бизнинг муаллифимиз бўлса, Султон Ҳусайннинг мактабдоши бўлган. Улар ёшлигиданоқ жуда яқин дўст тутинишган, бир-бирларини қўллаб-қувватлаб юришга сўз беришган ва кейинчалик сўзлари устида туришган.

Алишернинг ҳикоя қилишича [29, б.11], Шоҳрух ўлимидан кейин, 850 йилда отаси бир қатор бошқа оилалар билан бирга Хуросондан Ироққа кўчиб кетади. Карвон бир куни кечқурун Мавлоно Шарафиддин Али Яздий [30] истиқомат қиладиган қишлоққа қўнади. У пайтда 6 ёшларда бўлган Алишер карвондаги бошқа болалар билан бирга шайх кулбасига киради. Ноодатий шовқиндан ҳайрон бўлиб турган Яздийнинг кўзи ёш Алишерга тушади ва ундан яқинроқ келишини, мактабда ўқиш-ўқимаслигини сўрайди. “Ҳа, ўқийман”, деб жавоб беради бола.

– Хўш, ўқишдан қаерга келдинг?

– Таборак сурасига [31].

– Шундайми? Жуда яхши. Ёш дўстим, мен чақирганимда олдимга келдинг, мана танишдик. Энди сенинг ҳаққингга фотиҳа [32] ўқийман.

Худди шу пайт Кичкина Баҳодир ва ҳамроҳлари шайх ҳузурига кириб, унга ҳурмат-эҳтиром бажо келтиришади. Шунда Алишер ушбу тақводор зоҳиднинг қандай киши эканлигининг гувоҳи бўлади.

Мавлоно Шарафиддин “Қасидаи Бурда”га ёзилган шарҳлар, Аллоҳ исмлари тўғрисидаги рисола, “Зафарнома” асари [33] ва муаммолар [34] ҳақидаги девон муаллифидир.

Ўзи ҳам ўқимишли бўлган Кичкина Баҳодир илмнинг қадрига етган киши эди. Шунинг учун ўғлининг таълим олишига жуда катта эътибор қаратади [35]. Унинг билим олишида ҳеч нарсани аямайди. Алишернинг ўзи ҳам адабиётга нисбатан табиий таъбга эга бўлган ва бу иштиёқ унда тобора ривожланиб борган.

Алишер ёшлигиданоқ Султон Абулқосим Бобур хизматига киради. Унга ўзгача бир меҳр берган султон уни ўз ўғлидай кўрарди, Алишернинг туркий ва форсийдаги машқларини қўллаб-қувватларди [36]. Унинг муваффақиятларини олқишлар, унга ўзгача мурувват билан иззат кўрсатарди [35]. Бунинг устига Бобурнинг собиқ бош вазири ва шоир Мавлоно Муаммоийдан [37] кам мавқеъга эга бўлмаган Алишер туркий ва форсий шоирлар орасидан ўрин эгаллаган ва зуллисонайн [38, б.241] (ذواللسانين, икки тилли) шоир лақабини олган эди.

Султон Бобур вафотидан кейин, 861 [39] йилда Машҳадга [40] келган 17 яшар Алишер шу шаҳарда яшаб қолишни, ўз ҳаётини илоҳий фанларни ўрганишга бағишлашни истади.

“Шайх Камоли Турбатий кўп диққатли, табъли киши эрди, – ҳикоя қилади Алишер [29, б.15-18]. – Хожа Ҳофиз ғазалларидин кўп мухаммас қилибдур. Хуросоннинг муттааййин, рангин зурафосидин эрди. Фақирнинг ани кўрарга кўп орзум бор эрди, ошнолиғ бу навъ воқеа бўлдиким, Султон Абу Саид Мирзо замонида Машҳадда ғариб ва хаста бир буқъада йиқилиб эрдим. Қурбон вақфаси бўлди, оламнинг ақсо билодидин халқ имом равзаси тавофиға юз қўйдилар. Расмдурким, мусофирлар муттааййин буқъа гаштига ҳам борурлар, ул буқъадаким, фақир йиқилиб эрдим, жамоати маволиваш эл сайр қилиб, деворда битилган абётни ўқиб, бир байт устида баҳсга туштилар. Бир улуғроқ кишиким, ул жамоат анга тобеъ эрдилар, ул жамоатни илзом қилди. Фақир заъф ҳолида ул жамоат жонибидин сўз айттим. Анга дедиларким: бу бемор йигит ҳам бир сўз айтадур. Ул улуғроқ киши худ Шайх Камол эрмишким, зиёратга келган эрмиш, бошим устига келиб, мабҳасни ораға солди. Фақир жавоб бергач, ўз сўзидан қайтиб, таҳсинлар қилиб, ҳолимни тафаҳҳус қилди. Шайх била ошнолиғ тақриби бу навъ воқеъ бўлди.”

Худди ана шу даврда ва ана шу шаҳарда Алишер астрободлик Хожа Муҳаммад Хизршоҳ [29, б.18] билан танишади. Бу машҳур шоир ва моҳир хаттот “Юсуф ва Зулайҳо”га тақлидан “Зайд ва Зайнаб” маснавийсини ёзган эди.

Бир муддат ўтиб Алишер Ҳиротга қайтиб келади. Ҳатто Хуросоннинг янги ҳукмдори Султон Абусаид саройига хизматга ҳам олинади [41]. Шу ерда у Мавлоно Абдусамад Бадахший билан танишади. Абусаид ўзининг тарихини ёздириш учун Бадахшийни Ҳиротга чақиртирган эди [29, б.17]. Алишер тарихчига бир мисрасидаги вазн хатосини кўрсатади ва шу тариқа улар дўст тутинишади. Бироқ султоннинг рўйхушлик бермагани охир-оқибат Алишерни Хуросонни яна тарк этиб, бу сафар Мовароуннаҳрга жўнашга мажбур қилади [42, б.13]. “Бобурнома”га кўра бу Султон Абусаид томонидан бир сургун эди. Лекин бу китоб муаллифи сургуннинг сабабини билмаслигини ёзади [29, б.14]. Ҳар ҳолда, Алишер пойтахтни тарк этиб, Самарқандга жўнаб кетади. Саёҳат давомида Абусаид тахтга ўтиргандан кейин Ҳирот ҳокими бўлган, энди эса Самарқандга жўнатилган Аҳмад Ҳожибек Вафоий унга ҳамроҳ бўлади [43]. Мовароуннаҳр пойтахтига келган Алишер замонасининг энг эътиборли шахсларидан бири, машҳур фақиҳ Абулайс авлоди Хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ Абулайсий мадрасасига жойлашади. “Хожани Фиқҳда Абу Ҳанифаи соний дерлар эрди ва арабиятда ибн Ҳожиб каффасида тутарлар эрди. Фақир икки йил аларнинг қошида сабоқ ўқуб эрдим, онча илтифотлари бор эрдиким, «фарзанд» дер эрдилар [29, б.12].” “Мавлоно Юсуф Бадиий Андижондиндур. Фақир таҳсил учун Самарқандга борғонда, ул Андижондин келди ва анда фақир била бўлур эрди. Кўпрак синф шеърни яхши айтур эрди ва аруз билур эрди [29, б.23].”

Самарқандга хижрат қилган, илм олишга шўнғиб кетган Алишер [44] Мовароуннаҳрдаги ҳокимлар Аҳмад Ҳожибек, Амир Дарвиш Муҳаммад Тарконлар билан дўстлашади. Ёшликдаги дўсти Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодурхон тахтга ўтиргунга қадар бу шаҳарда қолади [45]. Султон Абусаид вафотидан сўнг темурийлар тахтига ворис ягона легитим шаҳзода Ҳусайн Ҳиротга юриш қилади ва 873 йил рамазон ойининг 10 санаси, жума куни пойтахтни эгаллайди. Бу янгилик Самарқандга етиб келиши биланоқ Абусаиднинг тўнғич ўғли Мирзо Султон Аҳмад катта қўшин билан Амударёни кечиб ўтади. Эҳтиёт чораси сифатида ўзи билан Алишерни ҳам олиб кетади. Бироқ Султон Ҳусайн Султон Абусаиднинг иккинчи ўғли Султон Маҳмудни мағлубиятга учратиб, Ҳиротга тантана билан кирганидан сўнг, икки ака-ука Хуросонни қайтиб олиш фикридан воз кечишади [42, б.12]. Алишер Аҳмад Хожибекдан изн сўраб, Ҳиротга йўл олади.

“Туҳфаи Сомий”да ёзилишича эса, Султон Ҳусайн Ҳиротга кирган куниёқ Аҳмад Ҳожибекка хат йўллаб, ундан Алишерни Ҳиротга жўнатишини сўраган. Янги султоннинг хоҳиши билан, Аҳмад Ҳожибек амирни шу заҳотиёқ Ҳиротга жўнатган. Алишер ўша даврда муҳтожликда бўлганлиги сабабли Аҳмад Ҳожибек унинг сафар харажатларини қоплаган ва ҳамроҳлар қўшиб берган [38, б.243].

873 йилда ҳайит арафасида Алишер Ҳиротга етиб келади. Султон ўзи сарой аёнлари билан уни катта иззат-икром билан кутиб олади. Ҳайит байрами куни Алишер султонга “Ҳилолия” номли қасидасини бағишлайди. Султон бундан жуда мамнун бўлади [42, б.13].

Турли муаллифлар султон Алишерни муҳрдор [46] лавозимига тайинлаганини таъкидлаб ўтишади [42, б.22]. Бироқ бу воқеанинг санасини кўрсатишмайди. Бу тайинлов Алишер Ҳиротга қайтиб келган кунлари бўлган бўлиши эҳтимоли катта. Лекин кўп ўтмай султон дўстлигидан мамнун ва унинг ишончидан ўзга тилаги бўлмаган Алишер ундан илтимос қилиб, истеъфо беради ва ўрнига Амир Низомиддин Шайх Аҳмад Суҳайлийни тавсия этади. Ушбу шахсга Ҳусайн Воиз ўзининг “Анвори Суҳайлий” асарини бағишлаган [38, б.246]. Султон унинг истагига рози бўлади ва Алишер саройда султон дўсти сифатида қолади.

874 йил Султон Ҳусайн Машҳадга йўл олади. Саёҳат давомида Ҳиротда норозиликлар юз берганини эшитади ва Алишерни уларни тинчлантириш учун пойтахтга йўллайди. Алишер бу нозик вазифани амалга оширишда аввал бошданоқ муросага асосланган ўзининг савқи табиийсидан келиб чиққан ҳолда эҳтиросларни жиловлаш, нафратларни сўндириш, ҳаққоний арзларни қондириш орқали донишмандлик билан доруссалтанатда тартиб ва тинчлик ўрнатади [47, б.16].

875 йил сафар ойида тахтга яна бир талабгор Бойсунқурнинг невараси Муҳаммад Ёдгорга қарши Султон Ҳусайннинг юришида иштирок этади. Шаҳзодани ўз қўли билан тутиб, султон олдига элтади [47, б.19; 48]. Бу воқеа Султон Ҳусайнга Хуросонни тўлиқ эгаллаш имконини беради.

Мирхонднинг таъкидлашича [47, б.22], доимий фикри болаликдаги дўстини давлатнинг энг юқори мансабларига чиқариш бўлган Султон 876 йилнинг шаъбон ойида унга амирликни таклиф қилади [49]. Алишер бу пайтда 32 ёшда эди. Султоннинг бу марҳаматини рад этиш учун ўзининг узрларини айтади: “Амир бўлмасам ҳам, айни дамда тахтга ҳар қандай одамдан кўра яқинроқман [50]. Бироқ, Ҳазрати олийлари мени амир қилиб тайинлашлари билан, Арлот, Барлос каби бир қатор вазирлар мендан устун турадиган бўлишади. Менинг лавозимимни кўтариш ниятида, аксинча, уни тушириб юборасиз.” Султон бу узрларни қабул қилмайди ва Алишерни “منصب امارت عالی مراتب دیوان اعلی” (мансаби аморати олии маротиби девони аъло) қилиб тайинлаб фармон чиқаради [51]. Фармон бўйича фақат Музаффариддин Барлосгина ундан юқори муҳр босиш ҳуқуқига эга эди. Султон Алишерга янги мансаби белгилари бўлмиш тилладўзи жубба (جبه طلادوزی) ва кулоҳи наврўзий (کلاه نوروزی) жўнатади [52]. Шундан сўнг сарой аҳли девонга тақдим этиладиган ҳужжатларга Алишер энг юқорига имзо қўяди деб кутишган эди. Вақти келиб барчани ҳайратга солган нарса шу бўлдики, Алишер ҳужжатнинг энг пастига имзо чекди ва ундан кейин имзо қўйишга жой қолмади. Бундай камтарона хатти-ҳаракат барчанинг таҳсинига сазовор бўлди ва Алишер муҳр қўйган жой шунчалар шарафландики, бундан кейин бу жойга бошқа ҳеч ким имзо қўйишга ботинмади. “ شرف المکان بالمکین” (Шараф ал-макон би-л-макин – Инсон қанчалар шарафланса, унинг ўрни ҳам шунча шарафланади.)

Мавлоно Атоуллоҳ Розий бу мавзуда қуйидаги тарихни ёзди:

میر فلک جناب علیشیر کز شرف
عاجز بود ز درک کمالات او خرد
دیوان نشست اخر سعبان بداد و عدل
از لطف شاه غازی والحق چنین سزد
چون مهر زد بدولت سلطان روزگار
تاریخ شد همینکه علیشیر مهر زد

Мирфалак жаноби Алишер ки аз шараф,
Ожиз бувад зи дарки камолоти у хирад.
Девон нишаста охири Шаъбон би доду адл,
Аз лутфи шоҳи ғозий ва-л-ҳақ чунин созад.
Чун мўҳр зад бадавлат султони рўзгор,
Тарих шуд ҳаминки **Алишер муҳр зад**.

Ўз мулки амири жаноб Алишер шарафлари,
У зотнинг камолотларини билишда билим ожиздир.
Шаъбон ойи охирида адолат ила тахтга ўтирди.
Ғозий ва ҳақ шоҳнинг лутфига шу лойиқдир,
Мулк султони давлат муҳрини босди
Унинг тарихи шулки “Алишер муҳр босди” [53].

Алишернинг амирлиги самараси ўлароқ, салтанат ривож топди, ҳамма ерда тартиб ва мувофиқ бошқарув ўрнатилди [42, б.22].

Алишер “Мажолис ун-нафоис”да таъкидлашича, ушбу муносабат билан Шоҳрухияда [54] мударрис ва Мирзо Бобурга бағишлаб муаммо рисоласи битган Мавлоно Бурҳониддин бир ажойиб тарих айтган. “Аммо чун фақирнинг таърифики, нафс ул-амрда ғайри воқеъдур лозим келур эрди, битилмади, ва лекин асл мисраи будурким:

تاریخش این بود که علی شیر مهر زد

Тарихаш ин буд ки “Алишер муҳр зад”. (Алишер муҳр босди)

Ғаройиб иттифоқотиндурким, Мир Дарвеш Алиға муҳр иноят бўлғонда ўзининг хотириға «درویش علی مهر زد» (Дарвеш Али муҳр зад – Дарвиш Али муҳр босди) таркиби келиб эрди ва ўн йил тафовут эрди ва рост воқеъ эрди” [55].

“Дарҳақиқат, менинг исмимдаги ҳарфларга янги қўшилган дол ва вов ҳарфлари абжад ҳисоби бўйича 10 сонига тенг ва жами 886 сони чиқади.”

Ҳиротдан Марвга қилган сафарларидан бирида Алишер Жомийга бағишланган ва султонга жуда маъқул бўлган “Туҳфат ул-афкор” қасидасини битади. Бу ҳақда Алишер “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарида тўхталиб ўтган. Қасиданинг сўнгги мисрасида берилган тарихдан 880 йил келиб чиқади.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин”ни ўқиш жараёнида муаллифимизнинг султон билан дўстлиги ва ишончи асосида қурилган жуда юксак мартабасидан қатъи назар, қаттиқ курашлар олиб борганлиги, ўз мансабида қолишга кўникиш учун қанчалар қийинчилик кўрганлигининг гувоҳи бўламиз. Шунингдек, илм билан машғул бўлиш учун нафақага чиқиш иштиёқига бўйсунган ҳолда, у султонни тўхтовсиз илтижолари билан ўз истеъфосига рухсат беришга кўндиради ва ҳар қандай давлат нафақаларини рад этади. Бундан буён ҳеч қандай ташвишсиз ва оила ҳам қурмасдан (у ҳатто оила лаззатларидан ҳам воз кечган эди) [56], ўзини буткул адабий асарларига ва тафаккур завқларига бағишлади. Жомийнинг ёзишича: “Давлат ишлари ва ташвишларидан тўйган, дарвишлар дўсти бўлмиш Алишер 881 йил (милодий 1476-1477) қашшоқлик ҳаётини танлашга ўзида жасорат топди. Шу тариқа, у энг юксак мартабалар ва шарафлардан ихтиёрий воз кечиб, маънавий ҳаёт ва тасаввуф йўлини танлади” [57].

“Тазкират ул-хаттотин” муаллифининг келтиришича, Алишер Жомийга қўл бериб нақшбандийликни қабул қилган [58].

Алишер тасаввуфга умрини бағишлаган суфийларга чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатарди. Уларнинг дуолари ижобат бўлишига эътимод қиларди. “Мавлоно Лутфий ўз замонининг малик ул-каломи эрди, туркийда назири йўқ эрди. Мавлоно йигитлигида улуми зоҳирийни такмил қилғондин сўнгра суфия тарийқида [59] ҳам сулук қилғондур. Азиз ва мутабаррак киши эрди. Бу фақир борасида кўп фотиҳалар ўқубдур. Умед улким, чун дарвеш киши эрди, баъзи мустажоб бўлмиш бўлғай [29, б.24]”.

Алишер, шунингдек, мутасаввуф шоир Сайид Аҳмад Ардашернинг [29, б.27] ўзига нисбатан оталарча муҳаббатини ўзига шараф деб биларди. Бу шоир Султон Ҳусайн билан яқин дўстлигига қарамасдан, бу дунёнинг барча имтиёзларидан кўра узлатни ва фақирликни [60] афзал кўрган. “Бу фақир турк ва сорт [61] орасида андин тамомроқ киши кўрмайдурмен.”

Шундай қилиб, 881 йил, эндигина 37 ёшга чиққан Алишер узлатга чекинади. Бироқ, Ҳиротда истиқомат қилаётган Алишерга, давлат ишларидан узоқда бўлишига қарамасдан, янада кўпроқ иззат-икром ва ажрлар кўрсатилади. Давлат акобирлари, ҳатто султоннинг ўзи ҳам унга ҳаддан ортиқ илтифотлар ва эҳтиром кўрсатишарди. Султон Ҳусайн тез-тез уникига меҳмонга келиб турарди [62]. Шаҳзодалар унга шогирд тушишга ҳаракат қилишарди. Султон унга нома битганда ҳар сафар қуйидаги жумлаларни ишлатарди:

جناب هدایتمآب معالی ایاب زبدة ارباب دین ودولت قدوة اصحاب ملک وملت مؤسس الخیرات موفق المبرات رکن السلطنة اعتماد الملک والدولة الخاقانی مقرب الحضرة السلطانی نظام الحقیقة والدین امیر علیشیر ضاعف الله توفیقه

“Жаноби баланд мартабали тўғри йўл кўрсатувчи, яхши фазилатлар паноҳи, дин ва давлат арбоблари аълоси, умаро ва фуқаронинг ибрати, жамият манфаатлари хайрихоҳи, тақводор муассасалар муассиси, рукни салтанат, мамлакат ва давлат таянчи, ҳазрати султон надими, ҳақиқат ва дин низоми Амир Алишер, Оллоҳнинг ўзи унга мадад берсин” [42, б.32]

Ниҳоят, Шарқ анъаналаридан бироз хабардор бўлганлар учун Сомий тарафидан келтирилган қуйидаги воқеа Алишер эришган юксак даражадаги эътибор ҳақида таассурот ҳосил қилдиради:

“Вазир Хўжа Маждиддин [63] бир куни султонни ўз уйида меҳмон қилиш шарафига муяссар бўлади. Бу меҳмондорчиликдан Султон Ҳусайн шу даражада мамнун бўладики, вазирига фавқулодда совғалар тортиқ қилади. Одатга кўра тожикка [64] чарқоб [65] совға қилиш таъқиқланган бўлса ҳам, бунга хилоф тарзда, вазиятдан келиб чиққан ҳолда султон унга ушбу шарафли кийимни жўнатади. Кийимни қабул қилган вазир тўққиз марта таъзим қилади.

Бироздан кейин Алишер ўзининг фережисини, яъни сизде-сикке ва ду-мирий [66] номланадиган арзимаган пул турадиган кўйлаклар устидан кийиладиган чопонини унга тортиқ қилиб юборади. Вазир, бу совғанинг камтарлигига қараб ўтирмасдан, миннатдорчилик сифатида тўққиз марта таъзим қилиб, чопонни нафақат қабул қилади, балки султон тўни устидан кийиб ҳам олади.”

Алишер Балх ҳокими Аҳмад Муштоққа қарши юришида Султонга ҳамроҳлик қилади. Ўзини мустақил деб эълон қилиш ниятида юрган Аҳмад Муштоқ Султон Абусаиднинг ўғилларини бош кўтаришга ундарди. Балхни қамал қилиб турган подшоҳ қўшинига озиқ-овқат етказишда узилишлар кузатилганлиги сабабли Султон Ҳусайн қўшин таъминотини назорат қилиб туриш учун Алишерни Ҳиротга жўнатади [42, б.23].

Шунингдек, Мирхонднинг ёзишича [42, б.26, 49], 884 йил ражаб ойида Алишер Ҳирот ҳокими вазифасини ҳам бажарган. Бу лавозимни Султон Абу Саид ҳукмронлигида Аҳмад Ҳожибек, Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлигида эса Султон Аҳмад Мирзо бажарган. Ўша санадан бошлаб 892 йилга қадар Алишер ҳақида ҳеч нарса айтилмайди. Афтидан, бу даврда Алишер давлат ва жамият ишларига фаол аралашмаган кўринади. Ўша пайтда подшоҳ ўзининг собиқ вазирини ҳукумат ишларида юқори даражада ва бевосита иштирок этишдан ортиқ четлатиб қўйишга ўзини мажбурлай олмаган, ёки у Алишерни саройдан четлаштиришдан манфаатдор бўлган баъзи кучларнинг босимига ён берган. Натижада, 892 йилнинг қишида Марви шоҳи жаҳонга (*sic*) бориб, Амир Валибек вафотидан бери Журжонда хокимлик қилиб келаётган Амир Мўғулни ўз ёнига жўнатиб [42, б.30], ўрнини муқарраби ҳазрати султонга [67] бўшатиб беришини буюради.

Аввалига Алишер буни рад этади. Аммо, ҳукмдор ўтиниб сўраганидан сўнг қабул қилади ва янги ҳокимлигига қараб йўл олади. Алишер вилоят маркази Астрободга яқинлашиши билан, Амир Мўғул шаҳарни бўшатиб чиқиб, Марвга жўнаб кетади. Алишер саййидлар, уламолар, шарофатли кишилар ва таниқли шахслар, қисқаси уни кутиб олишга чиққан бутун шаҳар аҳолиси қуршовида шаҳарга кириб боради. Мозандаран, Рустамдод ва Ғилон ҳокимлари султоннинг янги вакили келиши билан унга ажойиб совғалар юборишга шошилишади. Ёқуб Мирзонинг [68] ўзи ҳам бундай эътирофлардан четда қолмайди. Алишер жамоат фикрининг бу хушомадли гувоҳликларини салобат билан тан олди.

Алишернинг Астробод ҳокимлигига тайинланиш санасини Амир Бурҳониддин-Аллоҳ қуйидагича тарих қилди:

آن میر علیشیر که دارد
اوصاف بیرون زحد تقریر
چون کرد قبول باز امارت
تاریخ شدش امارت میر

Он Мир Алишерки дорад
Авсоф бирун зуҳди такрир
Чун кард қабул боз иморат
Тарих шудаш **Иморати мир**.

Хизматлари ҳар қандай мақтовлардан устун бўлган Амир Алишер ушбу лавозимни қабул қилганда, ушбу воқеа санаси “Иморати мир” бўлди (892).

Алишернинг кетиши майдонни рақиблар таъсирига очиқ қолдиради ва султоннинг собиқ фаворити Маждиддин саҳнага қайтади. Етти йилдан бери саройдан узоқлаштирилган бу арбобни султон ўз олдига чақириб олади ва илгариги мансаби нойибликни қайтаради [42, б.31].

Янги мансабининг аҳамияти ва юки Алишернинг таъбини ва савқи табиийсини ўзгартиролмади. Алишернинг ўзи ёзишича [69, б.40], Астроблоддан Ҳиротга ўзининг нафақат мусиқий истеъдоди билан, балки фазилатлари билан ҳам таниқли бўлган Паҳлавон Муҳаммадга қуйидаги рубоийни [70] юборади:

در کعبه و در دیر بارشاد تویم
در صومعه و میکده بایاد تویم
ذاکر سحر و شام باوراد تویم

یعنی که یتیم نعمت آباد تویم

Дар Каъбаву дар дайр ба иршоди туем,
Дар савмааву майкада бо ёди туем,
Зокир саҳару шом ба авроди туем,
Яъники, ятими Неъматободи туем.

Каъба ва калисода сенинг иршодинг биланман, ибодатхона ва майхонада [71] сенинг қоидангга риоя қиламан ва сенинг ёдинг биланман. Саҳару шомда сенинг фазилатларинг зикри ва дуоларинг биланман. Яъни, бир сўз билан айтганда, сен яшайдиган обод шаҳардан сургун қилинган етимман.

Паҳлавон бу шеърга тақлидан қуйидагича жавоб қайтаради:

ای میر تو پیر و ما بارشاد تویم
دائم بدعاا کوییو بایاد تویم
این شهر بتو خوش است وما با تو خوشیم
مردیم و خراب آستراباد تویم

Эй Мир, ту пиру мо ба иршоди туем,
Доим ба дуогуию бо ёди туем,
Ин шаҳр ба ту хуш асту мо бо ту хушем,
Мурдему хароби Астробод туем.

Эй Амир, пиримиз [72] сен, биз сенинг муридларингмиз. Доим дуогўйингмиз ва сенинг ёдинг биланмиз. Сен бу шаҳарни ва бизни бахтли қилган эдинг. Биз ўлганмиз ва шаҳримиз сенинг обод шаҳринг [73] олдида хароб бўлган.

Султон Ҳусайн Ҳиротдан қишки қароргоҳи бўлган Марвга жўнаб кетганда, Алишернинг Мозандарандан унинг олдига бориш учун рухсат сўраб мурожаат қилган ғазали, эҳтимол, айнан ўша пайтда битилгандир [74].

Журжонда бир йил ҳокимлик қилганидан сўнг, Алишер Ҳиротга қайтишни истади ва истихора [75] қилиб, ҳокимликни вақтинчалик Амир Бадриддин қўлига топшириб, пойтахтга йўл олади. У ерда вазифасидан озод қилишини султондан сўрайди. Аммо султон бунга рози бўлмайди ва бир неча кундан кейин ўз лавозимига қайтишини буюради. Шунинг учун Алишер яна бир неча ойни Астрободда ўтказади. Кейинроқ амир Ҳайдарни пойтахтдаги бир нечта ишларни ҳал қилиш учун юборади. Бироз заиф киши бўлган амир Ҳайдар подшоҳни баъзи нарсалардан хабардор қилади. Унга кўра султон марҳаматини ва балки ҳаётини ҳам йўқотиб қўйишдан қўрққан Алишер мустақилликка мойиллик кўрсатади. Эшитганларидан ранжиган султон зудлик билан дўстига унинг хаёлида ноўрин пайдо бўлган шубҳаларни тарқатиш учун нома юборади. Алишер бўлса фурсатдан фойдаланиб, шошилинч тарзда йўлга тайёргарлик кўради ва Ҳиротга қайтиб келади. У Султон Ҳусайнни ўз вафодорлигига ишонтиришда қийналмади ва яна Астробод вилояти ҳокимлигидан озод қилинишини талаб қилиб, бу сафар истеъфога чиқишга муваффақ бўлади [47, б.32]. Ўша пайтда Алишер ўзига ёки дўстларига қарши фитналардан анча азият чекди. Юқорида тилга олиб ўтилган ва Кучук Мирзонинг собиқ вазири Хожа Маждиддин султон устидан катта таъсир кучига эга бўлган ва нойибликка қайта тикланишига асосий қаршилик Алишер томонидан бўлганлигини унутмаган эди. Шунингдек, ҳокимият тепасига қайтганидан бери у ҳар доим кенгашда Алишернинг фикрига зид бўлган фикрлар берар ва султон билан бўлган шахсий суҳбатларида Алишернинг ҳаракатлари ва ниятларини бузиб кўрсатиш имкониятини ҳеч қачон қўлдан бой бермасди. Бу ҳолат ҳаттоки “Алишернинг укаси” номини олган Дервешалининг исён кўтариши сабабларидан бири эди. Чунки Алишерга бўлган марҳаматнинг камайиши ортида ўзига нисбатан кўнгилсизликлар кўринди. Маждиддин ҳаттоки султонда Алишернинг содиқлигига шубҳа уйғотишга ва исёнкорнинг шериги сифатида ундан шикоят қилишга муваффақ бўлди. Алишер бу айбловдан қаттиқ қайғу чекди. Шундан кейин Султон Ҳусайн Балхга юришга тайёрланди. Аммо Хожа Деҳдор эпчиллик ва маҳорат билан Балх ҳокимининг содиқ ва вафодор эканлигини кўрсатиб берди. Аммо Алишернинг душманлари ўзларини мағлуб деб ҳисобламадилар. Кейинги йил баҳорда Султон Ҳусайн Султон Абусаид ўғли Маҳмуд Султонга қарши жангга чиққанда, у

Алишерни Балхда қолдиради ва Дервешалини ўзи билан бирга олиб кетади. Йўлда уни ҳибсга олдиради ва Балхга қайтиб, зиндонга ташлайди [42, б.34].

Тарих варақлари бизга Темур авлодлари улушига тушган ички урушларнинг ачинарли манзарасини чизиб беради. Бу эҳтиросларни на энг азиз меҳр-оқибатлар, на энг муқаддас ришталар боса олган. Аксарият ҳолларда яхши хулқли ва илоҳий фалсафа билан суғорилган бу истеъдодли шаҳзодаларга нафис адабиётга бўлган муҳаббатнинг таъсир этмаганлиги ажабланарли. Султон Ҳусайн оиласи ҳам бу авлоднинг умумий феъл-атворидан истисно бўлмади, албатта. Агар бу султон ҳукмронлигининг бошланиши машаққатлар билан кечган бўлса, охири унинг қалби учун анча оғриқли бўлди. Чунки ўзининг барча рақибларига қарши муваффақиятли кураш олиб борганидан кейин, бу подшоҳ кексайганида, ўз фарзандларига қарши қурол кўтариб, уларни оталик ва султонлик ҳокимиятига итоат қилдиришдай азобни бошидан кечирди. Шундай қилиб, 901 йилда Балх вилоятида қўзғолонни бостиришга мажбур бўлганидан сўнг, у ўзининг ўғли Журжон ҳокими, валиаҳд шаҳзода Бадиуззамонни Астробод қўшинлари билан ўз ёнига чақирди. Бадиуззамон фармонга итоат этиб, ўз ўрнига Астрободда Мўъмин Мирзони қолдириб кетади. Аммо кейинчалик отаси уни Балх ҳокимлигига тайинлаганига иззат-нафси оғрийди. Чунки унинг умидларига зид равишда султон Астробод вилояти ҳокимлигини унинг ўғлига эмас, балки Хадича бегимнинг ўғли Музаффар Ҳусайн Мирзога тақдим этади. Шундан сўнг султонга қарши исён эълон қилади ва ўғлига янги ноибнинг Астрободга кириб келишига қурол билан бўлса ҳам қаршилик кўрсатишни буюради. Султон Ҳусайн бу исёнкор ўғилга қарши юриш бошламоқчи бўлади. Шунда қалби ўз ҳукмдорига содиқлик ва адабиётга бўлган муҳаббат туйғуси ўртасида бўлинган Алишер ота ва ўғил ўртасига тушиб, шундай афсусланарли можарога нуқта қўйиш мақсадида [42, б.40] ва шаҳзодани бўйсунишга кўндириш умидида султондан Балхга кетишга рухсат олади. Шаҳар дарвозасига келганида, шаҳзоданинг ўзи бу тинчлик элчисини кутиб олишга чиқади. Кекса отаси ва ҳукмдорига бўйсунишга ундовчи доно маслаҳатларга ҳурмат билан қулоқ солади. Бу сўзлар унинг қалбида акс-садо беради ва Балхни тарк этишга ҳозирланаётганда, сарой ва подшоҳ оиласи душманларининг фитналари Алишернинг тинчлик йўлидаги муваффақиятли саъй-ҳаракатларини барбод қиларди. Улар султонни Балх қутволи [76] Ислом Барлосга мактуб ёзиб, шаҳзода шикорга чиққанда шаҳар дарвозаларини ёпиб қўйишни ва қайтиб келганда уларни очмасликни буюришга кўндирадилар. Тақдир тақозоси билан ушбу хат шаҳзоданинг қўлига тушади. У энди отасининг меҳрибонлигига ишона олмаслиги туфайли музокараларни тўхтатади. Алишер душманлар томонидан гижгижланган ҳукмдорнинг ғазабини тинчлантириш умидида Ҳирот томон йўл олади. Аммо унинг уринишлари самарасиз кетади. Энди ота-ўғил ўртасида тинчликни тиклашга умид йўқ эди. Шоҳ Музаффариддинни Астрабодга қарши юборади. Ўзи эса Балхга юриш қилади. Ўз навбатида, Бадиуззамон ҳам 902 йил шаъбон ойида бу шаҳардан чиқиб, отаси қўшинига қарши чиқади. Жанг 902 йил шаъбон ойининг 29 санасида, сешанба куни Пил-Чироғ текислигида бўлиб ўтади. Эртаси куни рамазон ойининг илк куни, унинг ўғли Мўъмин Мирзо ўз рақиби Музаффар Ҳусайн Мирзога асир тушади. Маҳбус подшоҳ ихтиёрига жўнатилади. Хадича Бегим ўз ўғлининг манфаатлари учун қулай деб ҳисоблаган сиёсий қарашлардан келиб чиқиб, маст ҳолдаги эрига ёш шаҳзодани қатл эттириш тўғрисидаги фармонга имзо чектиради

Ушбу ҳалокатли ҳодисадан уч кун ўтгач, Машҳад зиёратидан Ҳиротга қайтиб келаётган Алишерга воқеа тўғрисида хабар берилади. Алишер бундан қаттиқ қайғуга тушади, чунки бу ҳалокатли қатлда сулола таназзули яқинлашиб келаётганини кўради [42, б.45]. Ушбу башорат узоқ куттирмади. Отаси вафотидан кейин тахтга ўтирган Бадиуззамон, ўзбеклардан Шайбоқхон томонидан мағлубиятга учратилади ва Шоҳ Исмоил қошида паноҳ топади. Шоҳ Исмоил унга Табриз шаҳрини беради. Кўп ўтмай, Султон Салим шаҳарни қамал қилиб, босиб олади. Бадиуззамон Усмонли Султонининг қўлига тушади ва Константинополга жўнатилади [77]. Аммо ўзимизнинг мавзуга қайтсак.

Подшоҳ оиласи бошига тушган аламли воқеалар, Балх юришини тантана билан нишонлашга халақит қилмади. Алишер давлат арбоблари билан бирга подшоҳни кутиб олишга чиқади. Эллик кун давом этиши керак бўлган тўй-томошалар буюрилади. Аммо

ўғлининг ўлими учун қасос олиш истагида ёнган Бадиуззамоннинг янги юриши ҳақидаги хабар султонни 903 йил жумодилаввалнинг биринчи ўн кунлигида ўз пойтахтини тарк этишга мажбур қилади [42, б.44]. Аммо баъзи бир омиллар сабабли Ҳиротга тез орада қайтиб келишга мажбур бўлади.

Бир неча ой ўтгач, шаввол ойида, подшоҳ Ҳиротга яқинроқ бир қўналғада кичик қўшин билан турган пайтда, Бадиуззамоннинг яқин орада мамлакатни босиб олиши ҳақида яна миш-мишлар тарқалади. Қўшин орасида тарқалган ваҳима таъсири остида подшоҳ 903 йил 24 шаввол куни пойтахтга чопар жўнатиб, Алишердан барча қўшинларни тўплаб, зудлик билан ёнига келишини сўрайди. Бу жума куни эди. Жума намози тугаши биланоқ Алишер отига миниб, қўшинларни йиғади ва шу куни кечқурунок бошқа амирлар билан бирга подшоҳ қароргоҳини ҳимоя қилиш учун етиб боради [42, б.46]. Бироқ Бадиуззамоннинг урушиш нияти ҳақиқат эди: бир неча ой ўтгач, ота ва ўғил яна тўқнашади. Алишер воситачилик ролини тинимсиз давом эттириб, подшоҳга бўлган вафодорлиги ва чексиз садоқати туфайли унга берилган нуфуздан фойдаланган ҳолда, қўлидан келганча оилавий адоватга барҳам беришга ҳаракат қиларди. Ушбу мақсадга эришиш учун у 904 йил муҳаррамнинг 10 куни султон лашкаргоҳига боради ва узоқ музокаралардан сўнг уни ўғли билан сулҳ тузишга ва ўғли умидвор бўлмаган шароитларни яратишга кўндиради [42, б.47].

Бироқ, бу заифлик ва парчаланиш аломатлари Алишернинг даҳшатли башоратларини зудлик билан тасдиқлагандай туюлди. Қўзғолон бир томонда аранг бостирилса, бошқа томонда яна кўтарилар эди. Мўмин Мирзонинг қатл этилиши султон оиласининг барча аъзолари орасида саросима ва фитналар келиб чиқишига сабаб бўлди. Бегимнинг хатти-ҳаракати ва кирдикорлари барчани ғазабга соларди. Улар султонга эмас, Бадиуззамонга бўйсунишга ҳаракат қилардилар. Вазият ўта жиддийлашмоқда эди. Омавий қўзғолон муқаррардай туюларди. Бу ҳолатдан хабардор бўлган подшоҳ 904 йилнинг илк кунларида амирларидан бирини ўғли Абул Муҳсин Мирзо ҳокимлик қилиб турган Марвга юбориб, шаҳзодани ҳузурига чорлайди. Аммо, топшириқ амалга ошмай, у Алишерни Ҳиротда қолдириб, ўзи лашкар билан 904 йил жумодилаввал ойининг 5 санаси, чоршанба куни Марвга жўнаб кетади ва шаҳарни уч ой қамал қилади. Ниҳоят ота-ўғил тинчлик ўрнатишади. Айнан ушбу қамал пайтида, узоқ вақтдан бери ўз режаларини амалга ошириш учун қулай шароит кутиб юрган Алишер Маккага ҳажга бормоқчи бўлади ва Ҳиротни тарк этади. Машҳадга бориб, Абдулҳай табиб орқали подшоҳдан рухсат сўраб юборган мактуби жавобини кутади. Бир неча кундан кейин табиб қайтиб келади. Аммо у Алишерга олиб келган мактубда, султон айни пайтда мамлакатдаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда, унга ушбу саёҳатдан воз кечишни ва саройга қўшилишни таклиф қилган эди. Шу билан бирга, Машҳаднинг кўзга кўринган ва тақводор арбоблари Алишернинг яраштирувчи таъсиридан салтанат ва динга келиши мумкин бўлган манфаатларни ҳисобга олиб, шоҳ фикрини қўллаб-қувватладилар. Бу сафар ҳам Алишер ўз сафарини кейинга қолдиришга мажбур бўлади. Дарҳақиқат, унинг аралашуви султон ва Абул Муҳсин Мирзо ўртасидаги адоватни тугатишда фойдаси тегди. Шундай қилиб у Марвга жўнаб кетди. Подшоҳ уни Бозиргон-Буба манзилида дабдабаю-асъаса билан кутиб олди. Сўнгра Алишер она шаҳрига киришга рухсат олди. У ерда олиму уламолар уни зўр иштиёқ билан кутиб олдилар ва Алишер уларга мўл-кўл зиёфат берди [42, б.48].

Мамлакатнинг бу тарафида тинчлик ўрнатилгандан сўнг, анча вақтдан бери Муҳаммад Ҳусайн Мирзони бўйсундириш ниятида юрган султон Астрободга юриш қилади. Муҳаммад Ҳусайн Мирзо бундан илгарироқ Мўъмин Мирзонинг қатл этилишининг билвосита сабаби билан Музаффар Ҳусайн Мирзони Астрободдан ҳайдаб чиқарган эди. Подшоҳ Муҳаммад Ҳусайн Мирзо билан ўзаро келишувга келади ва уни Машҳад хокимлигига тайинлаганидан кейин шаҳарга киради. Бу орада янги босқинчилик тайёрланмоқда эди: Бадиуззамон Амир Шужоиддин Зуннун билан иттифоқ тузиб, кучли қўшин билан Ҳиротга юриш қилади. Пойтахтда ваҳима кўтарилади. Алишер амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек билан истеҳкомларини тиклаш ва шаҳарни мудофаа ҳолатига келтириш ҳақида ўйлашади. Чичектодан [78] ёрдам кучи келади ва қирқ кунлик қамалдан кейин султон ва унинг қўшининг қайтаётгани ҳақида хабар ҳам етиб келади. Чекинишга мажбур бўлган

Бадиуззамон отаси билан музокараларга киришади ва ундан Балх ҳокимлигини қабул қилади [42, б.51].

Кўп ўтмай, 905 йилнинг сўнгги кунларида Муҳаммад Ҳусайн Мирзо яна исён байроғини кўтаради ва бутун Хуросонни эгаллаш ниятини билдиради. Бадиуззамоннинг Ҳиротга юришини эшитгандан кейин султон уни Астробод ҳокимлигига ташлаб кетган эди. Муҳаммад Ҳусайн Мирзо қўшни туманларнинг ҳокимларини ҳайдаб юборганлиги ёки уларнинг қочишига сабаб бўлганлиги учун, Султон Ҳусайн яна қўлига қурол олишга мажбур бўлади ва ўзининг кексалигига қарамай, 906 йил муҳаррам ойида ўз пойтахтини содиқ Алишерга ва амир Муборизиддин Муҳаммад Валибекка топширганидан кейин ҳарбий юришга чиқади.

Ушбу юриш узоқ муддатга чўзилмайди. Худди бир ҳарбий саёҳат каби ўтади. Салтанат адолати султон юрагида оталик марҳаматига йўл беради. Султон Ҳусайн исён кўтарган ўғлининг тавбасини қониқиш билан қабул қилади ва уни Астробод ҳокимлигига тайинлаб, пойтахтга қайтиб кетади [42, б.51].

Душанба жумодилохир ойининг 5 куни чопар султоннинг қайтиши ҳақидаги хабарни Ҳиротга етказади. Эртаси сешанба куни Алишер шаҳарнинг асосий арбоблари ҳамроҳлигида султонни кутиб олиш учун қалъа деворларидан ташқарига чиқади. Бу содиқ хизматкорнинг ўз ҳукмдорига кўрсатадиган садоқатининг сўнгги белгиси эди, чунки Сомийнинг таъбирига кўра: “тақдир қўли унинг ҳаёт гиламчасини йиғиштириб олган эди.”

Шу куни кечқурун Пурён қўналғасига, эртаси куни Пойобга етиб келади. Шу ерда султоннинг яқинлашиб қолганлиги хабари келади. Тез орада султон билан кўришиш завқидан ҳаяжонланган Алишер тун бўйи бир лаҳза ҳам мижжа қоқмайди ва тонг отиши билан отига миниб, султон тунаши керак бўлган Мир Муҳаммад Валибек қўналғасига жўнаб кетади. Бир оз юргандан кейин султон қўшинлари кўринади. Хўжа Абдуллоҳ деган жойда узоқдан подшоҳ тахтиравони кўринади. Кўп ўтмай, подшоҳ юборган чопар Хўжа Шаҳобиддин Абдуллоҳ билан юзма-юз бўлади. Алишер Хўжани бағрига босиб кўришади. Аммо бу учрашув унга шунчалик таассурот қолдирадики, унинг ҳолатида кучли ўзгариш юз беради. Султон яқинлашгандан кейин Алишер отдан тушади ва Султон томон юради. Аммо оёқлари уни тутиб туролмасди ва шунинг учун бир томондан Хўжа Абдуллоҳнинг елкасига, иккинчидан Жалолиддин Хондамир елкасига таяниб ҳаракатланади. Шундай бўлса ҳам у тиз чўкиб, подшоҳнинг қўлидан ўпади. Аммо, мажолсизланиб, тикка тура олмайди ва шоҳнинг меҳрли сўзларига бирор бир сўз билан жавоб беролмасдан йиқилади. Ҳаётининг сўнгги йилларидаги қийинчиликлар ва машаққатлар Алишернинг соғлиғига жиддий зарар етказган эди. Унинг ўзининг ёзишича [79], “Мен шунчалик озиб кетдимки, танамдаги мушакларни санаш мумкин. Мен энди тик туролмайман. Менда тиббиёт даволай олмайдиган бир нечта касалликлар мавжуд:

بو درد ایلا که اولرمین مرض چو ظاهر ایمس
طبیبلر بو بلاغه نی چاره قیلغایلار
Бу дард илаки ўлармен мараз чу зоҳир эмас,
Табиблар бу балоға не чора қилғайлар. [56]

“Нутқим тушунарсиз бўлиб бошлади. Бу онгимнинг бузила бошлагани белгисидир. Бутун жисмимни ишдан чиқараётган ҳам шу хасталик. Кундузлари таом ея олмайман, кечалари эса бир лаҳза уйқу йўқ. Таёқ ёрдамисиз оёқда тура олмайман. Тоза ҳаводан нафас олиш учун, икки кишининг ёрдамисиз отга ҳам мина олмайман.”

“Бундай қайғули ҳолатни кўриб изтиробга тушган султон амирни тахтиравонга ётқизишларини ва имкон қадар тезроқ шаҳарга ҳайдашни буюрди, – деб давом этиради Мирхонд. – Ҳамроҳлик қилиш Хўжа Абдуллоҳга тайинланди. Пурён қўналғасига етиб келишганда беморнинг томир уриши заифлашди ва шу ерлик табиблар қон айланишини тиклаш учун қон олдиришни маслаҳат беришди. Аммо табиб Мавлоно Абдулҳай бу фикрга қўшилмай, шаҳарга бориб, табиблар билан маслаҳатлашиб, улар кўрсатган муолажани бажариш кераклигини айтди. Хўжа Абдуллоҳ ҳам шу фикрда эди.” Улар яна йўлга чиқишди. “Аммо, – давом этади Мирхонд. – бу буюк инсондан шунчалар марҳамат кўрган камина жуда

қаттиқ хавотирда эдим ва Хўжа Абдуллоҳга шуни айтишга мажбур бўлдим: назаримда беморнинг аҳволи шу қадар жиддий эдики, агар қон олдириш яна кечиктирилса, беморни йўқотиб қўямиз деб ҳисоблардим. Бу гаплардан ларзага келган Хўжа Абдуллоҳ, султонга бу тўғрисида хабар бериш ва унинг буйруғини сўраш учун чопар юборишга қарор қилди. Султон менинг маслаҳатимга амал қилиш кераклигини билдирди. Бироқ султон олдига бориб келиш, кейин жарроҳни олиб келиш учун уч фарсанг масофани босиб ўтиш керак эди. Натижада биз қимматли вақтни йўқотдик. Томир очилганда атиги беш-олти томчи қон чиқди холос [80]. Ўша пайтдан бошлаб касаллик ривожланишда давом этди. Жума куни ярим кечаси бемор уйига олиб келинди. Эртаси куни шаҳарнинг катта табиблари маслаҳатлашиб, яна қон олдиришни буюрдилар. Бу амалга оширилди, аммо натижа бермади. Энди умид йўқ эди! Айнан шу пайтда султон кириб келди. Бемор ҳушидан кетиб ётарди. Алишернинг сўнгги лаҳзалари ўтаётганини кўрган султон дўсти устида қайғули кўз ёшлар тўкди. Якшанба куни беморнинг аҳволи янада оғирлашди ва душанба куни эрталаб, 906 йил жумодилохир ойининг 12 санасида [81] (милодий 1500) унинг жони узилди. Алишер ўшанда олтмиш икки ёшда эди.”

“Уфқда қуёш бош кўтариб чиқар-чиқмас, ўлим хабари шаҳар бўйлаб тарқалди. Барча аҳолининг юрагидан самоларга аламли нидо кўтарилди ва осмон ҳам, халқ мотамига қўшилиб, булутлар билан қопланиб, ер юзига кўз ёшлар тўкди.”

“Султон рафиқаси Хадича Бегим Оғо [82] билан мотамхонага келишди. Саййидлар, шайхлар ва уламолар анъаналарга мувофиқ ўликни ювиш маросимига киришдилар. Сўнгра жасад Ҳирот ийдгоҳига [83] олиб борилиб, у ерда жаноза намози ўқилди. Сўнгра ушбу инсоният саховатпешаси ўзи қурдирган масжиди жомеъга олиб бориб дафн этилди [84].

“Султон уч кун мотам тутди, марҳумнинг маънавий дўстлари [85] билан кўз ёшлар тўкди ва еттиси маросимини [86] ўтказди. Тавожис ва хонсолор бошлиқлари бу маросимга имкон қадар катта тантана тусини бериш чораларини кўришди. Саййидлар, уламолар, шоирлар, адиблар, амирлар, мансабдорлар (صدور), вазирлар ва барча аҳоли пойтахт ийдгоҳининг ёнидаги Ҳавзи Боҳён (حوض باهيان) деб номланувчи текисликка чақирилдилар. Ниҳоят, Алишернинг еттиси куни, султон шу жойда тикилган “Ҳаймаи давоздаҳи пояи Ҳумоюн” (خيمهٔ دوازده پايهٔ همايون) [87] деб номланган шоҳнинг чодирига кириб, ўз тахтига ўтирди. Тавожис ва хонсолорлар зиёфат таомларини келтиришди. Кейин ҳофизлар қуръон қироат қилишди. Қуръоннинг тўлиқ ҳатми тугаллангандан сўнг, сарой хизматкорлари марҳумнинг оиласи аъзоларининг мотам кийимларини алмаштиришди ва уларни тахтга яқинлашишга таклиф қилишди. Сўнгра султон ҳазратлари нутқ сўзлади. Унда хайрихоҳлик ва эзгулик энг самимий ҳамдардлик ва оталик насиҳати билан аралашиб, барчани ўзи ва мамлакат бошидан кечирган азобли йўқотишларга сабр-бардош беришга чақирди.”

Шоир ва ёзувчилар бир-биридан қолишмай Алишер ҳақида марсиялар ва тарихлар битишди. Мирхонд улар орасида амир Жамолиддин Иброҳим Аминийннинг тарихини ҳам келтиради [88, б.54]. Яна машҳур “Макорим ул-ахлоқ” рисоласига ишора қилади ва Алишернинг фазилатлари, улуғ ишлари, асарлари рўйхати ва қурдирган бинолари тўғрисида маълумотлар борлигини айтади [42, б.53].

Бундан ташқари, Алишер мадҳиячилари орасида Султон Ҳусайн ҳам бор эди. У юқорида тилга олиб ўтилган “Мажолис ул-ушшоқ” рисоласининг саксон тўртинчи китобини Алишерга бағишлайди.

Вазир Мавлоно Соҳиб Астрободий Доро [89, б.246] ҳам Алишерга қасида битади ва қасиданинг ҳар бир байтининг биринчи мисраси унинг туғилган йили тарихини, иккинчиси эса вафот этган йили тарихини беради:

انکه اورا جسم و جان بهر نبی بود و علی
مايهٔ دين زبدهٔ ايمان علی شير ولی

Жисму жони билан Пайғамбар ва Алига бўлганни мақтайман; диннинг асоси, иймон моҳияти, бир сўз билан айтганда, авлиё Алишердир [90].

Шунингдек, “Тарихи нухба”да қуйидаги тарихни ўқиймиз. Бу тарих “Сафинат аш-шуаро”да ҳам тилга олинган [91]:

آن میر بلند قدر عالی همت
چون کرد از این جهان بجنت رحلت
ان سال وفات و جای او پرسیدم
دارند جواب من که جنت جنت

Баландқадр, олийҳиммат амирнинг руҳи жаннатга учиш учун бу дунёни тарк этганида, Мен вафоти санаси ва борадиган жойи кўрсатилган тарихни сўрадим, менга: «Жаннат, жаннат” дедилар [92].

Алишер Эроннинг анъанавий таомилларига риоя этган. Бунга унинг исми ҳам мисол бўлади. Унга халифа Алининг исми берилган. Алини форсчада “Шери худо” [93, p.143-144] (арабчада “Асадулло”) деб аташган. Муҳаммаднинг ўзи меросхўрига шу номни берган [94, p.450].

Муаллифимизнинг ёзишича [95], “Менинг исмим муаммода Мавлоно Шарафиддин Яздий билан таққосланадиган Мавлоно Улои Шошийга ушбу усулда машқ қилиш имкониятини берди. Фақир Самарқандга борғонда аёғи синиб, соҳиб фирош эрди. Иёдатиға бордим, қошида ўлтуруб, бу муаммоким, андин “Уло” ҳосил бўлур битиб анга тутабердим:

دور باد از تو درد و زحمت پا
دشمنت را بلا نصیب و عناف

Дард оёғингиздан йўқолсин! Бахтсизлик ва касаллик сизнинг душманингизнинг ягона улуши бўлсин [96].

Қошидин чиққонда фақирнинг ҳолатин сўруб, ким эрканимни маълум қилғондин сўнгра бу муаммониким, фақирнинг оти андин ҳосил бўлур, айтиб битиб, бир шогирдидин висоқимға юбориб, эрди, муаммо будурким:

چشم تو مرا دید و منش سیر ندیدم
چو سیر به بینم ز تو اینست امیدم[97]

Мени кўришга ташриф буюрдинг; лекин ўзим хоҳлаганча сенга қараб туролмаганимдан афсусдаман (Оёғим сингани сени бориб кўришга халақит бермоқда),

Қандай қилиб ўз хоҳишимни қондиришим мумкин? Ўзингдан умид қиламанки, яна қайтиб келишни лозим кўрарсан [98].

Бир неча тилларда ижод қиладиган аксарият шоирлар сингари, Алишер ҳам иккита тахаллусдан [99] фойдаланади. Туркийда битган шеърлари учун “Навоий” (نوایی) номли тахаллусни олган (зотан, ушбу тахаллус билан у кўпроқ танилган [100]). Иккинчи тахаллуси эса “Фаноий” (فنایی), ёки тўғрироғи “Фоний” (فانی). Лутф Алибек томонидан “Оташкада” рисоласида келтирилган биринчи шакл, туркий тахаллуси билан оҳангдошлиги туфайли афзал кўринган бўлса-да, аммо ноаниқлиги учун рад этилган бўлиши керак. Алишер буни ўзи таъкидлайди. “Лисон ут-тайр” асарида [101] “Фоний” тахаллусини олганлигини айтади [102].

Алишер юқорида айтиб ўтганимиздек, ўз даврининг энг таниқли ва энг кўп асар ёзган ёзувчилардан бири эди. Ўз замонасининг билимдони, Хусрав, Низомий ва Жомийларнинг [103] тақлидчиси бўлган Алишер уларни ҳар доим ўзига ўрнак ва адабиётда йўлбошчи деб таъкидларди. У хилма-хил мавзуларда асарлар яратган. Тарих, ахлоқ-одоб, диний ва маънавий фалсафа, шеърият мавзулари бирин-кетин унинг шуури ва қаламини эгаллаб олган. Асосан туркий услубида аниқ ва лўнда ижод қилган шоирнинг тафаккури ижод даврининг узоқ давом этганлигидан чалкашиб кетмаган. Келиб чиқиши ва насл-насабидан фахрланган Алишер ватанпарварликни олий ўринга қўяди. Гарчи форс тилида ҳам муайян бир қобилият билан шеър ёза олган бўлса ҳам [104], ўз миллий тили туркийни форс тилидан ҳам насрда, ҳам назмда шак-шубҳасиз ва ҳар қандай эътирозларсиз устун ва афзал деб ҳисоблаган [105]. Бинобарин,

аксарият асарларини ана шу тилда ёзган. Ёзувчилик иқтидори билан биргаликда у моҳир хаттот ҳам бўлган. “Тазкират ул-хаттотин” муаллифига кўра у “камолот гўзаллиги ва гўзаллик камолотига эришган эди" (رسیدۂ درجۂ حسن کمال و کمال حسن ایلمشدور).

Алишер, шунингдек, рассомлик, ҳайкалтарошлик, китобат санъати ва мусиқа билан ҳам шуғулланарди. Жомийнинг жуда яқин қариндоши, ўзининг истеъдоди ҳамда тақводорлиги билан танилган Хожа Юсуф Бурҳон мусиқада унга устозлик қилган. Кейинчалик шогирдининг кўпчилик шеърий асарларига мусиқа басталаган [29, 20а]. Алишернинг бир нечта мусиқа асарлари сақланиб қолган ва унинг даромадлари асосан яхши баҳоланган.

Китобни жуда яхши кўрадиган муаллифимиз ажойиб ва бой кутубхона тўплаган. Баъзан кутубхонасидан жуда қимматбоҳо қўлёзмаларни совға қилиб турган. Бир сафар у Яъқуб Мирзо саройида қозилик қилувчи, шеърлар ҳам ёзиб турган қози Исога Жомий асарларининг тўлиқ тўпламини ҳадя қилган [106].

У доимо илмли ва тақводор одамлар билан мулоқотда бўлган. Ўзининг ёзишича қуйидаги шахслар билан яқин муносабатларда бўлган:

1° Шайх Нажм, шоир, тақводорлиги билан таниқли. “Султон Яъқуб қошида андин махсусроқ ва нойиброқ киши йўқ эрди. Ҳар неча қози Исо элга истиғно ва азамат кўргузди [107, 58а]”.

2° Ҳофизи Ёрий [29, 19а], қорий, шоир ва Ихлосия мадрасасида мударрис.

3° Хожа Авҳад Муставфий [29, 12а], сабзаворлик, фалакиётчи ва шоир, Султон Ҳусайнга қасида битган.

4° Мавлоно Вайсий [29, 14б], шоир, девон тартиб қилган.

5° Хожа Масъуд Қумий [29, 18б], жуда яхши маснавий ва ғазаллар, 12 минг байтлик Султон Ҳусайн тарихи, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Шамс ва Қамар”, “Тиғ ва Қалам” каби достонлар ва бир девон муаллифи.

6° Амир Шайхим Суҳайлий [108, 28], Султон Абу Саид Мирзо хизматида шоир бўлган. Йигирма йилдан кейин Султон Ҳусайн мулозиматида юқори мартабаларга эришган, яқин маслаҳатчиси бўлган.

7° Мавлоно Замоний [108, 36], “Вафоий” тахаллусини Алишер таклифига кўра “Замоний”га ўзгартирган. Бир тарафдан Султон Бадиуззамон Мирзо мулозими бўлгани учун, иккинчи томондан эса Аҳмад Ҳожибекнинг тахаллуси “Вафоий” эди.

8° Хожа Фасиҳиддин [109, 52], фазилатли, билимдон олим киши. “Ҳоло ўттуз йилға яқин борким, ифодаға машғулдур. Зоҳир улумидин ҳеч қайси бўлмағайким, дарс айтмағай. Ва ҳар бир илмки айтур, кўрида ҳавоший ва муфид мусаннафоти борким, уламо андин баҳраманддурлар.”

9° Алишернинг ёзишича [110, 11], сабзаворлик Мир Шоҳий билан бевосита кўришмасдан хат ёзишиб турган. Асли сарбадорлардан. Оти Мир Оқмалик. Бойсунғур Мирзо хизматида эди. У ерда ўз истеъдоди билан кўзга кўринган [111].

Алишер ўз оиласи аъзоларининг бир нечтасини “Мажолис ун-нафоис”га киритган:

1° Мир Саид Кобулий [29, 26], амакиси [112]. Бир қанча истеъдоди бўлган. Абу Саид Мирзо хизматида бўлган.

2° Муҳаммад Али Ғурбатий [29, 26], яна бир амакиси. Хушхулқ шоир, созанда ва хушовоз хонанда эди. Султон Ҳусайн унга Алишернинг бошқа қариндошларидан кўра кўпроқ илтифот кўрсатарди. Туркий ва форсийда шеърлар битарди.

3° Мир Ҳайдар Сабуҳий [113, б.53], Алишернинг яқин қариндоши. Унга фарзанддай бўлиб қолган. Султон Ҳусайн хизматида бўлган. Яхши билимлар олган. Кейинчалик сипоҳийликка ўтиб кетган.

Қалам аҳли илтимосларини Алишер ҳеч қачон ерда қолдирмаган. Унинг қалби ҳар доим уларнинг мурожаатлари учун очиқ эди. Унинг ўзи мана бу воқеани келтиради [29, б.20; 38, p.282]:

“Мавлоно Қабулий фақир киши эрди. Бозорчаи Шайх Човушда китобфурушлик қиларди. Бир сабоҳ ул маҳалладин жамъе келдиларким, ўтган кеча Мавлоно Қабулий бизларни тилаб васият қилдиким, бу кеча оламдин борурмен, такфин ва тажҳиз жиҳатидинким, ҳеч нимам

[114] йўқтур, сабоҳ девонимни фалон кишига, яъни фақир қошиға элтиб ниёзимни еткуриб, илтимос қилингким, мени Содот гўристонида дафн қилдурсун. Сабоҳ ҳабар туттуқ, эрса ўтуб эрди. Васияти дастури била девонин сиз Ҳазратнинг қошиға келтуруббиз. Фақир анинг васиятини бажо келтуруб, тадфинидин сўнгра девонин очтуқ. Кўзим бу байтга тушди:

اکر قبول تو یابم قبولیم ورنه
بهر دو کون چو من نا قبول نتوان یافت
Агар қабули ту ёбам Қабулиям, вар на
Ба ҳар ду кавн чу ман ноқабул натвон ёфт”
Агар сен мени яхши қабул қилсанг, мен ҳақиқатан ҳам Қабулийман; акс ҳолда, на бу дунёда ва на нариги дунёда мен каби номақбул топилмас [115].

Алишер сургундан қайтгандан сўнг отасидан қолган меросга эга бўлган. Кейинчалик юқори лавозимларда хизмат қилган. Натижада катта бойлик тўплаган эди. У ўз бойликларини хайрли ишларга сарф қиларди. Юқорида айтиб ўтганимиздек у нафақат давлат нафақаларидан воз кечган эди, аксинча у ҳар йили султонга катта совғалар қиларди [116]. У диний ёки халқ учун фойдали бўлган кўплаб муассасалар қурдирди ёки уларни таъмир қилдирди. У ғайрат-шижоат билан савоб ишлар қилар, бор кучини илм тарқатиш ва тарғиб қилишга бағишларди. Лутф Алибек, Сом Мирзо ва “Тазкират ул-хаттотин”, “Нухба” муалифлари келтиришича, Алишер томонидан Хуросонда барпо этилган биноларнинг сони уч юз етмишдан ошади. Уларнинг орасида тўқсонта работ [117] бор эди. Саёҳатчилар бу работларда хоҳлаганича тўхтаб қолишарди ва уларга меҳмондўстлик кўрсатиларди.

Бу муассасаларга қараб туриш юклатилган вақф маъмурияти зарур маблағлар билан таъминлар ва муассис истаклари ижросини назорат қиларди. Алишер, шунингдек, масжидлар, хонақоҳлар, мадрасалар, кўприклар ва бошқа иморатлар қурдирган. Император кутубхонасидаги “Куллиёти Навоий” таркибидаги “Вақфия” рисоласида [118] Ҳиротни сув билан таъминлаб турадиган дарё [119] бўйида Алишер қурдирган масжид ва мадраса таъминотига тааллуқли фармойишлари келтирилган.

Бу иморатлар хонақоҳ, шифохона ва ҳаммом билан биргаликда саёҳатчиларнинг ҳайратига сабаб бўладиган бир мажмуа ташкил этган [120].

Ушбу иморатлар 881 йилда Кўшки марға деб номланувчи подшоҳ кўшки яқинида Султон Ҳусайн Алишерга совға қилиб берган ер майдонида қурдирилган. Алишер султон учун тақводорлик ва хайр-эҳсон ишлари доимий равишда амалга оширилиб туришини истаган ва бу мажмуага “Ихлосия” номини берган [120, 834а].

Алишер таъмирлатган бинолар орасида “Тарихи нухба” бир жомеъ масжиди ва яна бир масжидни санаб ўтган. Бу масжидлар гўрий султонлардан Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Сомий тарафидан Ҳиротда қурдирилган [121]. Алишер уларни 904 йилда таъмирлатган.

Мен ушбу биографияни Алишерга замондошлари томонидан қилинган мадҳиялар ва унинг асарлари рўйхати билан тугалламоқчиман.

“Бобурнома” муаллифининг таъкидлашича [122], Амир Алишер назири йўқ киши эди. Одоби ва мизожи нозиклигини давлат ёки подшоҳга марҳаматидан четда қолиш ҳолатлари ҳам буза олмаган. Сургундалигида ҳам, Ҳироту Самарқандда ҳам ҳар доим бирдай, шон-шараф чўққисида бўлган. Камтар ва ўзидан катталарни иззат-ҳурмат қиладиган Алишер, маънавий ҳаётининг ёритгувчиси, умидсизлик дамларининг юпанчи бўлмиш Жомийга нисбатан меҳр ва тақво билан чуқур эҳтиром кўрсатарди, ҳар доим унинг қўллаб-қувватлашини кутарди. Сомийнинг сўзларига кўра, у Жомийга итоаткорлик ёпинчиғини [123] елкасига ташлаб, қулоғига эса шогирдлик ҳалқасини тақиб олган (غاشیۀ مطاوعتش بدوش و حلقۀ ارادتش در کوش کشیده). Алишер “Мажолис ун-нафоис”да камтарлик ҳисси туфайли Жомий ижоди хусусида фикр билдиришга журъат эта олмайди ва ўз асарини табаррук қилиш учунгина унинг исмини келтириб ўтади [108, б.27]. Жомий вафотидан кейин Жомий хотираларини (“Хамсат ул-мутаҳаййирин”) ёзгандан кейингина ғам-қайғулари бироз енгиллашади. Асарда ушбу машҳур шахс билан дўстлик муносабатлари тафсилотларини келтириб ўтади.

Алишер Султон Ҳусайннинг нодир истеъдодини, шеъриятдаги салмоғини ҳам иккиланмасдан тан олади [124]. Султон сарой шоирларини ўзи битган туркий қасидага жавоб битишга чорлаганда, Алишер ўзини бу вазифага ожиз ҳисоблайди.

“Бобурнома” муалифи давом этишича, тарихда тилга олинганлари ичида энг зиёли ва энг сабр-тоқатли ҳимоячи бўлмиш Алишернинг қўллаб-қувватлашлари ва оқил маслаҳатлари туфайли Устоз Қулмуҳаммад, Шайхи Нойи ва Ҳусайн Удий каби моҳир созандалар тараққий ва шуҳрат топдилар. Уста Беҳзод ва Шоҳ Музаффарлар ҳам тасвирда шунчалик машҳур бўлишлари ҳам Алишер туфайлидир. Яратилиши сабабчиси Алишер бўлган асарлар шунчалар кўпки, бошқа ҳеч ким адабиёт ва санъат ҳомийси деган номга Алишерчалик лойиқ эмас.

Алишерга мақтовлар ёғдиришдан бош тортишини билдирган ҳолда, Сомий шундай дейди: “Бу буюк шахс, бу олийҳиммат олим ҳаётининг бир дақиқасини ҳам бекорга ўтказмади. У бутун ҳаётини илм олишга, хайр-саховат қилишга, илм-фанни ривожлантиришга ва, ниҳоят, бадиий асарлар яратишга бағишлади. Асарлари дунё тургунча унинг шон-шуҳратининг абадий ёдгорлиги бўлиб туради.

Бир сўз билан айтганда:

آن امیر علی شیر کین وصف
صورت نام اوست در ازهان
الملقب بصاحت الخیرات
المقرب بحضرت سلطان

Ҳар бир оғизда Алишер мадҳи; У инсониятнинг саховатпешаси, шоҳнинг яқин ишончли одами.

Жомий, Давлатшоҳ, Сом Мирзо, унинг давомчиси Лутфалибек ва “Бобурнома” муаллифи ҳар бири, бир-биридан қолишмасдан, катта ҳурмат ва завқ-шавқ билан Алишерга таърифлар беришади [125, p.323] ва амирни чиғатой адабиётининг энг йирик намояндаси деб билишади.

Мирхонд ва Хондамир ўзларининг энг муҳим асарларини унга бағишлашган [120]. Алишер балхлик олим бўлмиш ва ўз истеъдоди ва фазилатлари билан ажралиб турувчи Мирхондни “Равзат ус-сафо”ни ёзишда зарур бўлган барча китоблар билан таъминлаб турган [121, б.44]. Унга Ихлосия хонақоҳидан жой берган. Ушбу хонақоҳ Ҳиротда, юқорида айтиб ўтилган шу номли мадраса олдида Алишер томонидан барпо этилган эди. Муаллифимизнинг таъкидлашича, “Мажолис ун-нафоис” ёзилаётган пайтда Мирхонд асарини яримлаб қўйганди [126].

Давлатшоҳ ўзининг “Тазкират уш-шуаро” асарини унга бағишлаган эди [120]. Мавлоно Жомий бўлса анчадан бери режалаштириб юрган асари “Авлиё суфийлар ҳаёти”ни ундан илҳомланиб ёзган эди [127].

Алишер жуда кўплаб асарлар муаллифидир. Император кутубхонасидаги 108 рақамли қўлёзмага изоҳ ёзган Кардон 25 та асарни келтириб ўтган. Рўйхат асарларнинг икки жилдлик қўлёзмада жойлашиш тартиби бўйича келтирилган.

1. Туркий насрда нафис ва дабдабали услубда ёзилган илоҳиётга даъват.
2. “Арбаъин”, 40 ҳадис, рубоийлар, чиғатой тилида, Султон Ҳусайнга бағишланган, 4б.
3. “Назм ул-жавоҳир”, Алига мансуб ҳикматларнинг туркий рубоийларда талқини, Султон Ҳусайнга бағишланган, 7б.
4. “Сирож ул-муслимин”, Ислом дини қонун-қоидаларини шарҳловчи рисола, туркий назмда, 18б.
5. “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват”, Жомийнинг Алишер ундови билан ёзилган “Нафаҳот ул-унс” асарининг туркий таржимаси, Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асаридан олинган парчалар ҳамда туркий ва ҳинд шайхлари хусусидаги изоҳлар билан тўлдирилган [38, б.244], 20б.
6. “Лисон ут-тайр”, Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” [128] асарининг туркийга шеърий таржимаси. Асл матн билан бир хил вазнда ёзилган [129] бу шеър Султон Ҳусайнга бағишланган, 151б.

7. “Ҳайрат ул-аброр”, “Ҳайратнома” деб ҳам аталган, Низомийнинг “Махзан ул-асрор”, Хусравнинг “Матлаъ ул-анвор”, Жомийнинг “Туҳфат ул-аҳрор” асарларига тақлид, спиритуализмга бағишланган туркийдаги асар, 191б.
8. “Фарҳод ва Ширин”, Фарҳод ва Ширин муҳаббати ҳақидаги туркий шеърий роман, шаҳзода Ғариб Мирзога бағишланган, 233б.
9. “Мажнун ва Лайли”, Мажнун ва Лайли муҳаббати ҳақидаги туркий шеърий роман, Султон Ҳусайн ва Бадиуззамон Мирзога бағишланган, 291б.
10. “Сабъаи сайёра” (Етти сайёра), туркий шеърий роман, Низомийнинг “Ҳафт пайкар”ига тақлид, Баҳром гўрнинг саёҳат ва саргузаштлари ҳикояси, Жомий ва Султон Ҳусайнга бағишланган, 329б.
11. “Садди Искандарий” (Буюк Искандар тарихи), туркийда, Жомий, Султон Ҳусайн ва Бадиуззамон Мирзога бағишланган, 383б.
12. “Хутбаи давовин” (Тўрт девон муқаддимаси), туркий, қуйида девонлар номи келтирилган [130]:
13. I “Ғаройиб ус-сиғар” (Болалик ғаройиботлари), 46б.
14. II “Наводир уш-шабоб” (Йигитлик нодиротлари), 534.
15. III “Бадоеъ ул-васат” (Ўрта ёш бадиалари), 597.
16. IV “Фавойид ул-кибар” (Кексалик фойдалари), 661.
17. “Мезон ул-авзон”, шеър тузилиши ҳақида рисола, чиғатой тилида, Султон Ҳусайн буйруғи билан ёзилган, 728б.
18. “Муҳокамат ул-луғатайн” (Икки тил муҳокамаси), форсий ва туркий ўртасида, ҳукм туркий тил фойдасига чиқарилган, 737б [131].
19. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, Жомийга бағишланган хотиралар, 745б.
20. “Мажолис ун-нафоис” (Шоирлар йиғини), 761б [132].
21. “Тарихи анбиё ва ҳукамо” (Пайғамбарлар, патриархлар ва файласуфлар тарихи), 789б.
22. “Тарихи мулуки ажам” (Форснинг қадимги подшоҳлари тарихи), Султон Ҳусайнга бағишланган, 813б [133].
23. “Вақфия”, Алишернинг қурдирган иморатларига вақфи, 829б.
24. “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад Абу Саид” ва “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, ушбу икки шахс ҳаёти ҳақида, 837б.
25. “Муншаоти туркий”, туркий тилдаги мактублар, 845б.

“Туҳфаи Сомий” бу рўйхатга қуйидаги асарларни ҳам киритган:

“Қиссаи Шайх Санъон” (Шайх Санъон тарихи)
“Муфрадот дар фанни муаммо” (Муаммо соҳасининг айрим жиҳатлари ҳақида рисола)
“Маҳбуб ул-қулуб”, Амир Хусравнинг “Анис ал-қулуб” асарига тақлид

Менинг коллекциямда унинг яна икки асари бор: спиритуализмга бағишланган “Маҳзан ул-асрор” [134] ва туркий девони.

“Шарқий турк хрестоматияси” [135]да жаноб Березин Алишернинг девонидан парча чоп этган.

Муаллиф ўзи келтирган маълумотлар асосида унинг асарларининг қуйидаги хронологик жадвалини тузишимиз мумкин:

873 йил, “Ҳилолия” қасидаси
880 йил, “Туҳфат ул-афкор” қасидаси
886 йил (биринчи истеъфосидан кейин), “Арбаин” [136, 4б]
888 йил, “Ҳайрат ул-аброр” [136, 232б]
889 йил, “Сабъаи сайёра” [136, 382а]
Шу йил, “Фарҳод ёки Ширин” [136, 390б]

Алишер “Мажнун ва Лайли” ва “Садди Искандарий” асарларини қачон яратганлиги тўғрисида маълумот бермайди. Бу асарларнинг “Хамса” таркибига киришини кўрсатган [137]. Асарлар шу йилнинг ўзида, ёки бир йил олдин ёки кейин яратилган бўлиши мумкин.

890 йил, “Назм ул-жавоҳир” [137. 8б]

896 йил (бутунлай истеъфо берганидан сўнг), “Мажолис ун-нафоис” [138]

899 ёки 900 йил, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” (асар яратилишига сабаб бўлган воқеалар асар ёзилиш санасини аниқ кўрсатиб беради)

901 йил, “Насойим ул-муҳаббат [139, б.20]

904 йил, “Лисон ут-тайр”, Алишернинг ўзи таъкидлашича, ҳар тун икки соатдан ёзган ва шу йилнинг ўзида тугатган [139, б.189].

Ҳаётининг сўнгги йилларида Султон Ҳусайннинг таклифига биноан икки туркий девони “Наводир ун-ниҳоя” ва “Бадойеъ ул-бидоя”га тартиб берган. Шунингдек, ёши олтмишга етгандан кейин [140] бошқа икки туркий девони устида ишлашни бошлаган. “Ишлардан чарчаганим туфайли, буни қилиш истагим йўқ эди. – дейди Алишер. – Лекин Султон Ҳусайннинг бебаҳо кўмаги билан ўзимда яна жасорат ҳис қилдим ва ишга киришдим.”

شه دین چو بو نوع لطف و احسان تابتیم
امید داغی بی حد و پایان تابتیم
ظلمت ارا ایردیم آب حیوان تابتیم
یوق یوق اولوب ایردیم که یانکی جان تابتیم

Шаҳдин чу бу навъ лутфу эҳсон топтим,
Уммид дағи беҳаду поён топтим,
Зулмат аро эрдим, оби ҳайвон топтим,
Йўқ-йўққи, ўлуб эрдим, янги жон топтим.

Султон қайта ўқиб, таҳрир қилган сўнгги икки девонга Алишер “Хазойин ул-маоний” деб ном берди. Лекин, кейинроқ ҳар бир девон ҳаётининг бир даврини эслатиб тургани учун уларни қуйидагича номлади (юқорида кўрсатилганидай):

“Ғаройиб ус-сиғар” (Болалик ғаройиботлари),

“Наводир уш-шабоб” (Йигитлик нодирликлари),

“Бадоеъ ул-васат” (Ўрта ёш бадиалари),

“Фавойид ул-кибар” (Кексалик фойдалари),

905 йил, “Сирож ул-муслимин” [139, б.19],

Ўша йили, “Муҳокамат ул-луғатайн” [139, б.744]

**Иқтибослар | Сноски | References:**


1. Belin F.A. Notice biographique et littéraire sur Mir Ali-Chir Nevaii, suivie d’extraits tirés des œuvres du même auteur // Journal Asiatique. № 17. 1861.
2. Belin F.A. Moralistes orientaux. Caractères, maximes et pensées de Mir Ali Chir Névâii // Journal asiatique. № 7, 1866. P. 523-552; Journal asiatique. № 8, 1866.
3. Toutant M. Un empire de mots. Pouvoir, culture et soufisme à l’époque des derniers Timourides au miroir de la Khamsa de Mīr ‘Alī Shīr Nawā’ī. Leuven: Peeters, 2016.
4. Белен // Энциклопедический словарь Ф.А.Брокгауза и И.А.Ефрона. Том III. 1891. С.363.
5. Bouvat L. Essai sur la civilisation timouride. // Journal Asiatique, Tome CCVIII, Paris, 1926. P. 193-299.
6. Bouvat L. Le “Debat des deux languages” Mohākemet ul-loughatein de Mīr ‘Alī Chir Nevāī. // Journal Asiatique. № 19, Paris 1902. P. 367-372.
7. Bouvat L. Le domaine geographique et linguistique du djagatai // Revue du monde musulman. Publiee par la mission scientifique du Maroc. Vol.3, 1907. P. 259-270.

8. *Франсуа Альфонс Белен* (1817–1877) *франциялик олим, унинг кўпгина нашрлари Усмонлилар сулоласи (1299–1923) тарихига оид тадқиқотлардан иборат бўлган. Белен Парижда Коллеж де Франс ва Шарқ тиллари олий мактабида Антуан Исаак, Сильвестр де Саси* (Antoine Isaac, Baron Silvestre de Sacy) *(1758–1938) ва Эьтен Катремер* (Etienne Marc Quatremèr) *(1782–1857) каби машҳур шарқшунос олимлар қўлида таҳсил олган. Ф.Белен 1843 йили Франциянинг Эрзурумдаги консуллигида, 1846 йили Қоҳирадаги консуллигида таржимон сифатида ишлаган. 1852 йили Франциянинг Истанбулдаги элчихонаси котиби вазифасини бажарувчи, 1868–1877 йилларда эса Франциянинг Истанбулдаги генерал консули сифатида фаолият юритган. Араб, форс ва туркий тилларни ўрганган. Усмонлилар тарихи ҳамда Шарқ қонунчилигига оид тадқиқотларини нашр қилган. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди бўйича бир неча мақолалар ёзган. (илмий муҳарир Афтондил Эркинов изоҳи. Бундан кейин муҳаррир изоҳлари курсивда ва (А.Э.) қисқартмаси билан берилади).*
9. *Ф.Белен мазкур мақоласи икки қисмда нашр этилган* Belin F.A. “Notice biographique et littéraire sur Mir Ali-Chir Nevaii, suivie d’extraits tirés des œuvres du même auteur”. Premier article // Journal Asiatique. № 17. 1861. P.175-256; Belin F.A. “Notice biographique et littéraire sur Mir Ali-Chir Nevaii, suivie d’extraits tirés des œuvres du même auteur”. Deuxieme article // Journal Asiatique. № 17. April-May, 1861. P.281-357. *Қуйида Ф.Белен биринчи мақоласининг француз тилидан ўзбек тилига қилинган таржимаси айрим қисқартиришлар билан берилмоқда (175-238-бетлар). Сабаби айни мақолаларининг бир қисми Навоий асарлари аслият матнлари ва уларнинг таржимасидан иборат. Таржима жараёнида Ф. Белен матнидаги номланишлар ва атамалар имкон қалар французча аслиятда қандай бўлса, шу кўринишда сақлаб қолинди. Зеро, улар ҳам бизнинг тарихимизга Европа илми муносабатни акс эттиради (А.Э.).*
10. Supplément turc 108 рақамли, икки қисмдан иборат жуда гўзал қўлёзма. Ҳиротда ҳижрий 930-933 йилларда (милодий 1526 йилда) кўчирилган. Фурсатдан фойдаланиб, « Journal asiatique » журналининг 1842 йилги сонида чиққан мақоламдаги ушбу асарни таснифлашда йўл қўйган чалкашликни тўғирлаб кетмоқчиман. Асар Император кутубхонаси қўлёзмалар бўлими бошлиғи М. Рейно томонидан каталогга киритилган.
11. Алишер ўз асарларида чиғатой тилини шундай атайди.
12. *Муаллиф“китоби”да дейилганида бу асардаги “мажлис”ни назарда тутган (А.Э.).*
13. Sacy, Mémoires sur les antiquités de la Perse. Paris, 1793, P. IX.
14. Император кутубхонасининг Supplément persan 40 рақамли қўлёзмаси. Жаноб Эрскин асарни форс тилидан ажойиб таржима қилган. Жаноб Ильминский Қозон шаҳрида асарнинг туркий вариантини 1857 йилда чоп этган (M. Mohl, Rappoprt annuel sur les travaux de la Société asiatique pendant l’année 1857-1858, p. 70 et suiv.).
15. Жаноб Шефер қўлёзмалари. Маълумот учун миннатдорчилик билдираман.
16. Ўз кутубхонамдаги туркча қўлёзма; “Жаҳон тарихи”, Султон Аҳмадхон ўғли Султон Усмон қўмондонлиги котиби Муҳаммад ибн Муҳаммад асари, икки жилдлик. Иккинчи жилд 1044 йил ёзилган (милодий 1634-1635).
17. Жаноб Шефер нусхаси. Бир жилдлик, ҳошияда. Бумбайда тошбосмаси, 1266 йил.
18. Барбье де Мейнар нусхаси. Теҳрон тошбосмаси, 1271 йил.
19. Император кутубхонаси қўлёзмаси, том 2. Варақ 761б-788.
20. Мендаги қўлёзма.
21. *Ф.Белен Навоий “Мажолис ун-нафоис”ининг бир қисмини француз тилига таржима қилган. Унинг таржимасини янгидан ўзбек тилига таржима қилмай, Навоийнинг ўзи шу асарида келтирган аслият тилидаги матнларни келтириб борилади (А.Э.).*
22. Алишер бу ерда Султон Ҳусайн Бойқаро ижоди ҳақида тўхталиб ўтган. Ушбу подшоҳ ҳукмронлиги тарихига Мирхонд “Равзат ус-сафо”нинг еттинчи китобини бағишлаган.
23. Қаранг: Lumley Davids, Grammaire turque, édition française, Londres, 1836, introd., p. XXXIX.

24. “Нухбат ут-таворих” (Жой номлари учун қаранг: Reinaud, de Slane, Géographie d’Aboulféda).
25. Одатда Ҳирот деб аталади. Алишер ва Мирхонд шаҳарни асосан шундай шаклда тилга олишади (қаранг: “Тазкират ул-хаттотин”; Defrémery, “Histoire des sultans ghourides” // Journal asiatique, avril 1844, p. 269; Reinaud, de Slane, Géographie d’Aboulféda, p. 454).
26. “Нухбат ут-таворих”, “Тазкират ул-хаттотин”.
27. Шоҳ Исмоил ўғли Сом Мирзо қаламига мансуб “Туҳфаи Сомий” (қаранг: Journal asiatique, septembre-octobre 1844, p. 323).
28. Sacy, Mémoires sur les antiquités de la Perse (Форс тарихидан мемуарлар), introd., p. IX; Сулаймон Феҳим, “Сафинат уш-шуаро”, “Тазкират уш-шуаро”нинг туркча варианти, Константинополда чоп этилган.
29. “Мажолис ун-нафоис”, 2-китоб.
30. Катремернинг ёзишича машҳур тарихчи Тафт-Язд қишлоғида яшаган. Қишлоқ шу номдаги шаҳардан 35 чақиримча масофада жойлашган (Quatremère, “Mémoires historiques sur la vie de Shahrokh” // Journal asiatique, septembre 1836, p. 199). Яна қаранг: “Ҳабиб ус-сияр”, 2-қисм, 212-бет; “Сафинат уш-шуаро”, 187-бет.
31. Қуръонда бундай номдаги сура йўқ. Муаллиф, шубҳасиз, шундай жумла билан бошланувчи 25-сурани кўзда тутган бўлиши керак. Алишернинг ёзишича, Қуръон ўқишда у замонасининг машҳур қориси Ҳофиз Али Жомийдан сабоқ олган (“Мажолис ун-нафоис”, 2-китоб, 16а).
32. Қуръоннинг биринчи сураси.
33. Француз тилига Пети де ла Круа таржима қилган (Histoire de Timur-bec, vol. 4 12-in).
34. Муаммо (қаранг: Garcin de Tassy, Journal asiatique, novembre-décembre 1847, p. 357).
35. Sacy, Mémoires sur les antiquités de la Perse (Форс тарихидан мемуарлар).
36. Алишернинг таъкидлашича, шеър санъати бўйича бир қанча машҳур рисолалар муаллифи сабзаворлик Дарвиш Мансурдан сабоқ олган (“Мажолис ун-нафоис”, 2-китоб, 16а).
37. Бу шахс тўғрисида қаранг: “Мажолис ун-нафоис”, 7-китоб.
38. “Сафинат уш-шуаро”,
39. Қаранг: “Нухбат ут-таворих”; d’Herbelot, “Bibliothèque orientale”.
40. مشهد مقدس (Машҳади муқаддас) дин ҳимояси йўлида курашда шаҳид бўлган одам дафн этилган жой маъносини беради. Шиалар, асосан, ўз имомлари шарафига тикланган ёдгорликларга шу номни беришади. Қаранг: Quatremère, “Histoire des Mongols”, p. CXXX.
41. Мирхонд, “Равзат ус-сафо”, VII, 13.
42. *Мирхонд, loc. laud. (loc. laud. – мазкур қисқартма номи келтирилган муаллифнинг “мақола аввалида тилга олинган асари” маъносини англатади (А.Э.).*
43. “Султон Малик Кошғарийнингким ўғлидур. Хуросонда тарбият топти. Ҳирот дор ус-салтанатида ўн йилға яқин ҳукумат қилди. Самарқанд маҳфузасида ҳам муддате ҳоким эрди. Ва бир қарн бўла бордиким, истиқлол била аморат ва истиқрор била подшоҳға наёбат қиладур.” (“Мажолис ун-нафоис”, 6-китоб). “Бобурнома”га кўра (14б) Аҳмад Ҳожибек Ҳиротга қайтиб келади ва унга султон томонидан иззат-икром кўрсатилади.
44. نحصيل قواعد فضائل علوم نقليه و تكميل فنون معارف عقليه (Қаранг: “Сафинат уш-шуаро”.)
45. Турли жангларда қозонган ғалабаси шарафига бу султонга “Ғозий” (ғолиб) деб ном берилади (Dubeux, “Histoire de Perse”, p. 353).
46. در اوائل مهردار بوده “Ёшлигида муҳрдор бўлди” (“Бобурнома”, Supplément persan 40 рақамли қўлёзма, 105б.)
47. Мирхонд, loc. laud., VII.
48. “Нухбат ат-таворих”.
49. Яна қаранг: “Бобурнома”, 105б: در اواسط مير شده “умрининг ярмида амир бўлди”.
50. Мирхонд ишлатган ايچكى (ички) сўзи “ич” сўзидан ясалган ва Туркияда саройда мавжуд шунга ўхшаш мансаб قرنا “қарно”нинг мутаносиби эмасмикан? Билишимизча, ايچ اوغلان

"Ич ўғлон" ҳам илгарилари Константинополда сарой мансабларидан бири бўлган (қаранг: Defrémery, Journal asiatique, février-mars 1852, p. 275).

51. Бу мансаб султон оиласи шаҳзодаларига ҳам берилган: "султон "мансаби аморати олий маротиби девони олий" мансабини берган Муҳаммад Муҳсин Мирзога нима бўлганини кўрганидан сўнг, исёнкор итоат қилди" (Мирхонд, loc. laud., 39-бет).
52. Тўннинг бир тури ёки фахрий кийим. Таверньенинг ёзишича, бу форс анъаналари бўйича бош-оёқ тўлиқ кийим: камзул, тўн, белбоғ ва телпакдан иборат. Ёки шахснинг мартабасига мувофиқ фақат кўйлак ва тўндан, ёки кўйлак, тўн, белбоғ ва телпакдан иборат бўлган ёки подшоликнинг энг мўътабар кишиси бўлса, буларга қилич ва ханжар ҳам қўшилган (بخلع طلا دوزی وکمر خنجر مرصه زیب وزینت بخشیده) (қаранг: Les six voyages de Tavernier en Turquie et en Perse, Paris, 1724 ; t. II, p. 153 ; 355). Хондамирда ҳам шундай келтирилган: "Султон шаҳзода Муҳаммад Муҳсин Мирзога тилладўзи халат, белбоғ ва қиматбаҳо тошлар билан зеб берилган ханжар тортиқ қилди." ("Ҳабиб ус-сияр", 282-бет). Тилладўзи жубба Қожорлар саройида ҳам мавжуд бўлган. Бу мўйнали катта тўн бўлган ва олий мартабали шахсларга тортиқ қилинган. "Кулоҳи наврўзий" наврўз байрамида султон ҳузурига борилганда кийиб бориладиган оқ салла. Бу маълумотларни бергани учун жаноб Пишондан миннатдорман. У бир неча йиллар Эронда, Франциянинг Теҳрондаги вазири бўлмиш отасиникида яшаган.
53. Ажратиб кўрсатилган сўзлардаги ҳарфлардан абжад ҳисоби билан 876 (милодий 1471-1472) йил яъни Алишернинг амир қилиб тайинланган йили чиқади.
54. Шоҳрух Ҳиротда қурдирган мадраса. Абдураззоқ 876 йилда унга мудир қилиб тайинланган (Mém. hist. sur la vie de Schahrokh, septembre 1836, p. 290).
55. 4-китоб, 41б.
56. "Бобурнома", Supplément persan 40 рақамли қўлёзма, 105б.
57. "Нафаҳот ул-унс", S. de Sacy, Not. et extr. des mss. de la Bibl. du Roi, t.XII, p. 317 ; Ломий томонидан туркча таржимаси, Константинопол нашри, 4-бет.
58. Бу тариқатнинг асосчиси Пир Муҳаммад 719 йил (милодий 1319) Эронда, Қасри Орифонда вафот этган. (Қаранг: d'Ohsson, Tableau de l'empire ottoman, IV, p. 623).
59. Мусулмонларнинг руҳий ва пантеистик таълимоти (қаранг: Garcin de Tassy, Poésie philosophique et religieuse des Persans, extrait de la Revue contemporaine, 1856, t. XXIV, 93° livr. P. 2 et suiv.).
60. Суфийларда фақирлик, таркидунёчилик руҳий ҳаётнинг етинчи ва энг юқори даражаси ҳисобланган (қаранг: de Sacy, Pand-nâmé, passim ; Garcin de Tassy, Journal asiatique, mai-juin 1854, p. 478).
61. Алишер бу сўз билан ҳам форсларни, ҳам уларнинг тилини ифодалаган (қаранг: «Mouhâkemet-ulloghateïn, édité par feu Et. Quatremère ; Histoire de la ville de Khotan, préface, p. IV, par Abel Rémizat. Турк сўзининг этимологияси учун қаранг: Klaproth, Tableaux historiques de l'Asie, Paris, 1826, in-4°, p. 115.).
62. "Хамсат ул-мутахаййирин".
63. Қуйида тўхталиб ўтиладиган ва шахсий интиқом истаги билан йўналтирилган бу шахс Алишерни Султон олдида обрўсизлантириш учун ҳеч нарсадан қайтмасди (Мирхонд, loc. laud., 32 ва 34-бетлар).
64. Ёки "تازیک" "форс", турк сўзидан фарқли равишда (Мирхонд, loc. laud., 48-бет).
65. Халат тури (қаранг: Not. et extr. des mss. de la Bibl. du Roi, t.IV, p. 292).
66. Форс шоҳи ҳазрати олийларининг адъютанти жаноб полковник Ҳожи Муҳсинхон илтифоти билан ушбу лавҳага аниқлик киритиб олишга муясар бўлдим. Чунки мен қараб чиққан қўлёзмаларнинг барида бу матн бузилган. "Фережи" турк аёллари ёпинадиган "фаранжи"га ўхшайди. Ҳозирги кунда ҳам Эронда кўчманчи қабилалар киядиган тўнни билдиради (қаранг: Journal des débats du 5 octobre 1860). "Сизде-сикке" ва "ду-мирий" бўлса Сомий ўзининг асарини ёзаётган даврда урф бўлган кўйлаклар.
67. Мирхонд ва Хондамир одатда Алишерни "امیر کبیر مقرب حضرت سلطانی" (Амир кабир муқарраби ҳазрати султоний – Ҳазрати султоннинг яқин кишиси, буюк амир),

Император кутубхонасининг Supplément persan 20 рақамли қўлёзмасида эса “مقرب الحضرة السلطانية و موتمن الدولة الخاقانيه” (Муқарраб ул-ҳазрат ус-султония ва мутаман уд-давлат ул-ҳоқонийя) деб аташади. “Муқарраб ул-ҳоқон” ибораси Эронда бугунги кунда ҳам учрайдиган фахрли унвондир. Теҳронда вазирлар ва шоҳнинг чет элдаги элчилари ўз расмий мартабалари олдига “مقرب الخاقان” (муқарраб ул-ҳоқон – шоҳга яқин бўлиш шарафига эга) иборасини қўшиб олишади (жаноб Алфонс Пишон лутфан берган маълумотлар).

68. Император кутубхонасининг 108 рақамли қўлёзмасида бу туркман шаҳзодаси ҳақида маълумотлар Улуғбек ва Жаҳоншоҳ Мирзонинг орасида берилган.
69. *“Мажолис ун-нафоис”, 3-китоб (4-китоб – (А.Э.).*
70. Рубоий сўзининг маъноси учун қаранг: Defrémery, Journal asiatique, septembre 1843, p. 199).
71. Ишқ майхонаси, бу образ форс шеъриятида, айниқса, Хайём асарларида кўп учрайди (Garcin de Tassy, Journal asiatique, 1857 juin). Менда Насимий, Хусрав, Тусий, Риёзий асарлари билан бир жилд қилинган Хайёмнинг ажойиб рубоийлари бор.
72. Пир – тариқат асосчиси, бошлиғи (Garcin de Tassy, Journal asiatique, mai-juin 1854, p. 478). Араб тилидаги “шайх” сўзи ҳам шу маънода ишлатилади.
73. Шоир бу ерда Астробод сўзи билан сўз ўйин қилган. Алишер яшаган пайтда обод бўлган Ҳирот шаҳри каби унинг айни пайтдаги вилояти марказининг обод бўлганлигига ишора қилади.
74. “Куллиёт”, мендаги қўлёзма.
75. Яъни, бир китобни таваккалига бир саҳифасини очиб ўқиган ҳолда илоҳий истакни билиб олиш.
76. Қалъа қўмондони (бу мансабдорнинг ваколатлари тўғрисида қаранг: Journal asiatique, juin 1860, p. 202).
77. Қаранг: de Sacy, Mémoires sur les antiquités de la Perse; “Туҳфаи Сомий”, “Тазкират ул-хаттотин” ва “Нухбат ут-таворих”да ёзилишича, Бадиуззамон Константинополда 923 (милодий 1517) йилда вабодан вафот этади ва Айюб яқинида дафн этилади.
78. Бу жой номини ҳеч қайси географик луғатдан топа олмадим. Хондамирга кўра (“Ҳабиб ус-сияр”, 280-бет) бу жой Бодғисга қўшни: “بکنار آب مرغاب شتافت و تمامی لشکر بادغیس وچیچکتو در ظل رایت فتح آیتش کشتند” (Мурғобга етиб келди, бу ерда Бодғис ва Чичекто қўшинлари ғалаба байроғи остида бирлашганди).
79. Мендаги қўлёзмадаги иккинчи ва учинчи туркий девонларга муқаддима.
80. Мирхонд ёзишича: “پنج شش سیر خون”панж шеш сир хун), Хондамирда эса: “پنج شش قطره خون” (панж шеш қатра хун).
81. “Туҳфаи Сомий” ва унинг турк таржимонига кўра Алишернинг ўлими “жумодилаввал ойи душанба куни” (sic) юз берган; “Бобурнома”да бу тўғрида ҳеч қандай маълумот йўқ. Мирхонднинг матнидан кўчирган Хондамир шу санани беради.
82. مهد علیا خدیجه بیکی اغا
83. عیدگاه (ийдгоҳ), худди مصلی (Мусалло) каби, одатда шаҳар ташқарисидаги очиқ жой. Халқ бу ерда турли муносабатлар билан, хусусан ҳайитларда йиғиларди (қаранг: “Гулистон”, Дефремери таржимаси, 201-бет). Шоҳрух қурдирган Ҳирот Мусаллоси Хаников тузган Ҳирот атрофларининг археологик харитасида кўрсатилган (Journal asiatique, juin 1860, p. 537).
84. Бу масжид Паҳлавий масжид деб номланарди (қаранг: “Мажолис ул-ушшоқ”, 84-китоб, жаноб Шефер қўлёзмаси, Султон Ҳусайн битган рисола, Ҳожи Халфа Султон Ҳусайн ҳақида маълумот берганда бу асарни тилга олиб ўтган.).
85. “حضرت خاقان سه روز در تعزیت سرای مقرب سلطانی توقف کرد” (Ҳазрати ҳоқон уч кун марҳум уйида ўтирди ва кўз ёшлар тўкиб Алишернинг мотам тадбирларини ўтказди). Маълумки, қадимда Францияда мистериялар (ўрта асрларда: диний мавзулардаги драма) каби, форсларда ҳам динда бўлсин, сиёсатда бўлсин кўзга кўринган шахсларнинг ҳаёт босқичлари ёки ўлимини театр шаклида кўрсатиб бериш удумлари бор. Буни форслар

аъло даражада бажаришади. Ҳар йили Али ва унинг фарзандлари шарафига нишонланадиган таъзия тадбирларида актёрлар йиғилган халойиққа кўз ёшлар тўкдиришади.

86. Таъзия таоми Темурийларда марҳум руҳини эслаб қилинадиган эзгу амал деб ҳисобланарди. Мирхонднинг ёзишича (loc. laud., VII китоб, 249-бет) Алишер Навоий Гавҳаршодбегим руҳига атаб катта маросим ташкил қилади, хатми Қуръон қилдиради ва камбағал бечораларга таом улашади (جهة ترويح روح كوهرشاد بيكم). Худди шундай маросим шаҳзодалар вафотида ҳам ўтказиларди (id. passim.). Бу удум Мисрда ҳозир ҳам мавжуд. Миср вице-қироли Муҳаммад Али дафн карвони олдида кетаётган 50 та туяга юкланган нонни йўл бўйида йиғилган камбағалларга тарқатишган. Кейин икки юзча буқа олиб ўтилган ва мусаллода уларни сўйиб, таом тайёрлаб камбағалларга тарқатишган. Шу вице-қиролнинг тўнғич қизи ва ҳозирги қиролнинг опаси бўлмиш Нозли Хонумнинг дафн маросимида қирқта буқа сўйиб камбағалларга тарқатилган (Journal des débats, 1860 йил 10 сентябрь сони). Бу эзгу амал “надур” (ندور) ибораси билан аталган (қаранг: Мирхонд, loc. laud., 26-бет).
87. Шоҳ чодири 9 ёки 12 устун билан кўтарилган. “Бундай чодир бугунги кунда ҳам “давоздаҳи поя” номи билан ишлатилади. Бу маълумот учун полковник Ҳожи Муҳсинхонга ташаккур билдираман.
88. loc. laud., 54-бет. “ولايت انتباه” (табаррукликнинг уйғониши), ҳарфлар йиғиндиси 906 сонини беради.
89. “Тазкират ул-хаттотин”, “Туҳфаи сомий”, “Сафинат уш-шуаро”.
90. Биринчи мисра ҳарфлари 844, иккинчи мисраники эса 906.
91. 346-бет.
    مير جم قدر نوايى چو بفردوس برين
    زد سراپرده زدنياى دنى با شوكت
92. Бу сўзлардаги ҳарфлар йиғиндиси 906.
93. M. Reinaud, Monuments musulmans, etc. t. II.
94. Noms propres et titres musulmans, par M. Garcin de Tassy. Journal asiatique, mai-juin i854.
95. “Мажолис ун-нафоис”, 2-китоб, 13а; “Сафинат уш-шуаро”, 277-бет.
96. Биринчи сатрда яширинган сўз “Уло”, иккинчи сатрда “Шоший”.
97. Вазн қоидасига кўра бу ерда “чун” ўрнига “чу” деб ўқиш талаб қилинади. Мен жаноб Гарсин де Тассининг илтифот билан қилган кўрсатмаси учун унга миннатдорчилик билдираман.
98. Константинополдаги Эрон вазири Мирза Ҳусайнхон ҳазратлари маслаҳатига кўра мен биринчи сатрда “Сафинат уш-шуаро”да келтирилганидай (2774-бет) “сир” сўзини олдим. Мендаги ва Император кутубхонасидаги қўлёзмаларда эса “нек” сўзи берилган. Биринчи сатрдаги “чешм” турли хил маъноларда келган (кўз, булоқ, фаввора) ва иккинчи сатрдаги “шир” сўзи ўзининг иккинчи маъносида, яъни “сут” маъносида. Мавлоно Шоший чанқоғини қондириш учун сут каби ёқимли ва ширин булоқни қандай кашф қилишни билмаган ҳолда, ундан тўйгунича ичишни истайди. Алишердан ўз заифлигини ҳисобга олган ҳолда, яна ташриф буюришни сўрайди.
99. Мусулмон шоирлари ўзлари учун танлайдиган ижодий лақаб (қаранг: M. Garcin de Tassy. Journal asiatique, mai-juin 1854, p. 507; M. Bland, même recueil, septembre-octobre 1853, p. 364). Тахаллус, одатда, ғазалларнинг охирги мисрасида тилга олинган.
100. Мирза Козимбек келтиришича (Journal asiatique, avril-mai 1807, p. 448) илгарилари жуда машҳур бўлган Навоий номи ҳозирги даврга келиб Эронда сўнгги йигирма беш йилда (1832-1857) “Энг машҳур шоирлар таржимаи ҳоли” асари муалифи шоир Навоий-Кошоний шахсида янгидан порлади. Шунингдек, яна бир шоир Мирзо Муҳаммад Тақий Навоий билан мен шахсан ўзим 1843 йилда Эрзерумда танишганман. У кейинчалик Теҳронда бош вазир бўлган ва у ерда кейинроқ бахтсиз ва ачинарли тарзда вафот этди.
101. “Куллиёти Навоий”, Supplément turc 108 рақамли қўлёзма, 189б.
102. “Туҳфаи Сомий” ва “Бобурнома”да ҳам “Фоний” деб берилган.

103. “Куллиёти Навоий”, 108 рақамли қўлёзма, 197а; “Бобурнома”, 105а.
104. “Бобурнома” муаллифига кўра (105а), Навоийнинг баъзи форсий байтлари ёмон эмас, лекин аксари суст.
105. “Куллиёти Навоий”, Supplément turc 108 рақамли қўлёзма, 735б (яна қаранг: “Муҳокамат ул-луғатайн”, passim).
106. Mémoire sur le goût des livres chez les Orientaux, Et. Quatremère, Journal asiatique, juillet 1836.
107. “Мажолис ун-нафоис”, 6-китоб.
108. “Мажолис ун-нафоис”, 3-китоб.
109. “Мажолис ун-нафоис”, 4-китоб.
110. “Мажолис ун-нафоис”, 1-китоб.
111. Кутубхонамда Мир Шоҳийнинг бир девони бор.
112. “طغایی” – 1240 (1825) йилда Калкуттада босилган луғатда бу сўз “برادر مادر” (бародари модар) деб тушунтирилган. Бу маълумот учун жаноб М.Шеферга миннатдорчилик билдираман.
113. “Мажолис ун-нафоис”, 5-китоб.
114. “Ним” – энг кичик кумуш танга. “Сафинат уш-шуаро”нинг туркча таржимасида қуйидагича берилган: “تجهیز و تکفین جهتندن هیچ بر نسنه یه مالک دکلم” (тажҳиз ва такфин жиҳатиндан, ҳеч неснея молик дегилим). Мисрда бу ибораниг ўхшаши бор, у ерда пиастрнинг қиркдан бир қисмини “нусф фазза” (نصف فضه) деб аташади.
115. Шоир ўз тахаллуси “Қабулий” ва “қабул” сўзлари билан сўз ўйини қиляпти.
116. “Бобурнома”, Supplément persan 40 рақамли қўлёзма, 105а.
117. Карвонсарой тури, толиби илмлар учун ҳам мўлжалланган (қаранг: Notices et extraits des manuscrits de la Bibliothèque du Roi, t. IX, p. 127 ; Mémoires sur la vie de Shakhrokh, par feu Et. Quatremère, Journal asiatique, septembre 1836, p. 215).
118. 829б.
119. Supplément turc 108 рақамли қўлёзмада бу дарё номи “Инхил суйи” (انحیل سویی) деб берилган (833б). Мирхондда эса (жаноб Шефер қўлёзмаси, ўша асар, 55 рақамли қўлёзма, Жентил фонди) “Наҳри ал-жил” (نهر الجیل). Оттер буни, афтидан Ҳарируд таъсирида, “Ҳели” деб ўқиган (Император кутубхонаси, Supplément persan 20 рақамли қўлёзма бошида ёзиб қўйган изоҳларида). Муҳиддин Исфизорийнинг “Тарихи Ҳирот” асарида ёзилишича (Император кутубхонаси, Жентил фонди, 32 рақамли қўлёзма) Ҳирот 9 даҳадан иборат бўлган. Шулардан еттинчиси “Инжил” (انجیل). Шу қўлёзманинг ўзида “Наҳри Инжил” (نهر انجیل) ёки “Пули Инжил” (پل انجیل), шунингдек, “Инжилобод” ( انجیل اباد) сўзлари ҳам учрайди (М. Барбье де Мейнарнинг Ҳирот топографияси ҳақидаги асарида шу парчалар таржимаси берилган). М.Ханиковнинг “Ҳирот атрофлари археологик харитаси” номли мақоласида (Journal asiatique, juin 1860, p. 537) “Инжир” деб номланган дарё тилга олинади. Бу дарё “Инжил” билан бир эканлиги шубҳасиз.
120. De Sacy, Mémoires sur les antiquités de la Perse.
121. Бу султон тўғрисида маълумотлар учун қаранг: Defrémerie, Histoire des sultans ghourides, Journal asiatique, avril 1844, p. 275.
122. Форсча варианти, Император кутубхонаси қўлёзмаси.
123. Бу ибора борасида Катремер ва Дефремери изоҳларига қаранг (Quatremère, Histoire des sultans mamlouks, t.I, p. 47 ; Defrémery, Histoire des khans mongols de la Transoxiane, extr. du Journal asiatique, p.107). Улар “Ғошия”дан фойдаланишни мустақиллик белгиси сифатида изоҳлашади. Мисрда бугунги кунда ҳам шундай анъана бор. Йирик арбобларнинг сайислари (отбоқарлари) от олдида кетаётганларида одатда қизил рангли ёпинчиқни елкаларига ташлаб олишади. Хўжайинлари отдан тушганда бу ёпинчиқ билан отни ёпишади.
124. “Мажолис ун-нафоис”, 7-китоб, 67а; иккинчи ва учинчи туркий девонлар муқаддимаси.
125. Defrémery, Journal asiatique,septembre-octobre 1844.
126. “Мажолис ун-нафоис”, ut supra.

127. Notices et extraits des manuscrits, t. XII, p. 217 et suiv.
128. “Қушлар нутқи”, Гарсен де Тасси “Фалсафий ва диний шеърият” асарида бир парча таржима қилган.
129. “Бобурнома”, Supplément persan 20 рақамли қўлёзма, 105б.
130. Мендаги куллиётда сўнгги икки девонга алоҳида муқаддима мавжуд.
131. Матн М.Катремер томонидан чоп этилган: Chrestomathie turke orientale, Paris, 1841, p. 1-39.
132. Қироллик кутубхонасида ушбу асарнинг яна иккита нусхаси мавжуд (форс тилида 185 рақамли қўлёзма ва туркийда 327 рақамли қўлёзма, эски фонд).
133. Матн М.Катремер томонидан чоп этилган: Chrestomathie turke orientale, Paris, 1841, p. 40-114.
134. Низомий “Хамса”сидаги шундай номли асарга тақлид.
135. 358 ва кейинги бетлар. Бу китоб ва маълумотлар учун жаноб Дефремерига миннатдорчилик билдираман.
136. Supplément turc 108 рақамли қўлёзма.
137. 108 рақамли қўлёзма, 458а. Жомий худди шу номлар билан худди шундай мавзуларда ёзган (Сафинат аш-шауро, 237-бет).
138. Шу асарнинг иккинчи китоби номига қаранг.
139. 108 рақамли қўлёзма.
140. Мендаги қўлёзмадаги иккинчи ва учинчи девонлар муқаддимаси.

ISSN 2181-0575

DOI JOURNAL 10.26739/2181-0575

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ

1 МАХСУС СОН

# ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

# JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

SPECIAL ISSUE 1

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000